Илм — ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси *1931 йилдан чиқа бошлаган* **1994 йил 3 август, чоршанба** № 37 (6624).
Баҳоси сотувда эркин нархда.

Фақат аҳил бўлсак, бир-биримизга ишониб, бир ёқадан бош чиқариб, камчилик ва нуқсонларни қадам-бақадам бартараф этиб борсак, иншооллоҳ, барча ниятимизга етамиз.

Жумҳурият Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги институтлар ва махсус педагогика ўқув юртларида бу йил 17 мингдан зиёд ёш мутахассис тайёрланиб, таълим муассасаларига ишга юборилди

Халқ таълимини амалий жиҳатдан ривожлантириш, унинг бошқариш услуби ва шаклларини такомиллаштириш, эски андозалардан воз кечиш ҳам ўзига хос инқилобдир.

ИСЛОҲОТЛАР МУВАФФАҚҚИЯТИ-ИЗЧИЛЛИКДА

Суратда: мажлис пайти

Р. НУРИДДИНОВ тасвири. (ЎзА).

29 июль куни Вазирлар Маҳкамасида 1994 йилнинг биринчи ярмида иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш якунлари ва уларнинг самарадорлигини янада кучайтириш чора-тадбирларига бағишланган мажлис бўлди. Унда вазирликлар, давлат қўмиталари, уюшма, концерн, корпорациялар, маъмурий идораларнинг раҳбарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари иштирок этди.

Мажлисни Республика Бош вазири А. Муталов кириш сўзи билан очди.

Мажлисда таъкидландики, жорий йилнинг ўтган даврида ислоҳотнинг босқичма-босқич, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилган ҳолда амалга оширилиши мамлакатимизда барқарорликни, осойишталикни, фуқаролар тотувлигини янада мустаҳкамлаш имконини берди. Халқ хўжалигининг кўп соҳаларида ижобий ўзгаришларга эришилмоқда. Жумладан, енгил саноат, озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бирмунча кўп ишлаб чиқарилди. Электр энергияси ишлаб чиқариш, нефть, газ ва кўмир қазиб олиш, нефтни қайта ишлаш соҳаларида ҳам маҳсулот ҳажми кўпайди.

Бозор муносабатларини қарор топтириш, мулкчилик шаклларини ўзгартириш юзасидан бир қанча ишлар амалга оширилди. Давлатга қарашли бўлмаган корхоналарнинг улуши саноатда 16 фоиз, қурилишда 25,2 фоиз, савдода 82,4 фоизга етди.

Молия, пул сиёсатини мустаҳкамлашга, халқ хўжалигининг янада барқарор ишлашини таъминлашга қаратилган Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Агар жорий йилнинг биринчи чорагида саноат маҳсулотининг умумий ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 7,5 фоиз камайган бўлса, кўрилган амалий чора-тадбирлар туфайли, ярим йиллик якунига кўра, бу камайиш 4 фоизга тушди.

Таққослаш учун: бу кўрсаткич Беларусда 31,5, Қозоғистонда 29,4, Россияда 25,8 фоизни ташкил этди. Ўзбекистонда нефть 62, кўмир 20, электр энергияси 1,5, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 4,4, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш 12,4 фоиз ўсди.

Шу билан бирга, халқ хўжалигининг айрим тармоқларида, айниқса, кимё, машинасозлик, қурилиш ашёлари саноатида ишлаб чиқаришнинг пасайишига йўл қўйилди.

Деҳқончилик саноати мажмуида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳам уларнинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатларига моддий таъсир қилганича йўқ. Буни Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилояти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Кўп жойларда давлат хўжаликларини мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтказиш номигагина амалга оширилган. Мулк ҳақиқий эгасини топмаган, меҳнатга ҳақ тўлаш тизими ўзгартирилмаган.

Қурилиш, транспорт ва алоқа соҳаларида, аҳолига тиббий ва маиший хизмат кўрсатишда ҳам кўпгина камчиликлар мавжуд.

Мажлисда Республика Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Ярим йиллик иш якунларини таҳлил этар эканмиз, фаолиятимизнинг устивор йўналишларини белгилаб олишимиз, ислоҳот одамлар ҳаётига қандай таъсир кўрсатмоқда, уни амалга ошириш жараёни изчил кечяптими, биз бу йўлда нечоғли ижобий натижаларга эришдик, қандай камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилмоқда, олдимизда яна қандай вазифалар турибди, деган саволларга жавоб излашимиз даркор, деди Президент. Зеро, ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотдан асосий мақсад — республиканинг тўла иқтисодий мустақиллигига эришиш, ана шу асосда халқимизнинг турмуш даражасини яхшилаш, фаровонлигини оширишдан иборатдир.

Хўш, ислоҳот йўлидаги асосий муаммолар нималардан иборат? Уни янада муваффақиятли амалга оширишга нималар тўсқинлик қиляпти?

Шуни таъкидлаш керакки, республикада бозор муносабатларини шакллантиришнинг барча иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий асослари яратилган. Уни такрорлаб, изоҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Энди ҳамма гап — ана шу фармон ва қонунларга амал қилишда, танлаб олинган тараққиёт йўлидан оғишмай юра билишда, заҳматкаш, меҳнатсеварлик бобида дунёда тенги йўқ халқимизнинг самарали ишлаши учун барча шарт-шароитни яратиб бериб, уни улуғвор ишларга сафарбар эта олишдадир.

Амалда эса нима бўляпти? Бунёдкор халқимиз, айниқса деҳқонларимиз, пиллакору ғаллакорларимиз фидокорона меҳнат қилиб, юқори натижаларга эришмоқда. Ўзбекистон тарихида биринчи марта 1 миллион тоннадан зиёд ғалла тайёрлангани ҳам бор ҳақиқатни кўрсатиб турибди. Лекин ана шу пешона тери билан етиштирилган пилла, ғалла учун ҳақ тўлашни, деҳқонлар билан ҳисоб-китоб қилишни тегишли идоралар нега пайсалга соляпти?

Ана шунинг натижасида корхоналарнинг ўзаро қарзи кўпайиб кетмоқда. Улар ҳозир 4 миллиард сўмни ташкил этади. Шундан тахминан 20 фоизи Ҳамдўстлик давлатларига тегишли, буни ҳал этиш қийинлигини тушунамиз. Лекин ўзимизда қолган қисмини, хусусан, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги 2 миллиард сўм қарзни ечиб берса бўлади-ку!

Давоми иккинчи бетда.

Мактаб ва оталиқ ташкилоти

ЭЛИ БОЙНИНГ ЎЗИ БОЙ

Туман матлубот, савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик кенгашининг раиси Умаржон Мунавваров қўлида бир даста гул билан 9-ўрта мактаб ҳовлисига кириб келганида директор Башоратхон Машраббоевани-ку қўяверинг, бутун жамоадагиларнинг бошлари осмонга етди. Чунки қувончли воқеадан хабар топган раис мактабга биринчи бўлиб етиб келганди.

— Унвон муборак, ая, — деди раис қўлидагиларни опага тутаркан. Директор ўзида йўқ шодлигидан "раҳмат, раҳмат" дея олди, холос. Қутлов Б. Машраббоеванинг халқ таълимини ривожлантириш йўлидаги кўп йиллик хизматлари учун "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" унвони билан мукофотланганлиги муносабати билан эди.

Дарров бир пиёла чой уюштирилди. Оталиқ ташкилотининг раҳбари жамоадагиларнинг ҳолаҳволини суриштирди. Сўнгра мавзусини мактаб биносини таъмирлаш ишларига бурди.

— Раҳмат, Умаржон, — деди мактаб директори. — Ёрдамларингиздан миннатдорман. Энди бу гал сизларни қийнамайлик. Таъмирлашни мактаб жамғармаси ҳисобидан ва ота-оналар кўмагида амалга оширишни режалаштириб қўйдик.

— Нега қийналарканмиз, ёрдамчи тармоқларни ривожлантирганимиз сабаб ташкилотимизнинг фойда олиш и кўзланганидан икки ҳисса ошиб кетди. Олдиларингизга келаётиб жамоадагилар билан маслаҳатлашдим. Бу йилги таъмир учун 10 миллион сўм-купон маблағ ажратамиз. Бу воқеа шу йил март ойида бўлиб ўтганди. Раис ваъдасининг устидан чиқди. Айни пайтда таъмирлаш учун зарур бўлган материал ва қурувчиларни топишда ҳам кўмаклашди. Натижада мактаб Наманган вилоятида биринчилар қатори янги ўқув йилига тайёрлаб қўйилди. Мазкур оталиқ ташкилотининг мактабга бераётган ёрдами ҳақида ҳар қанча гапирса арзийди. Унинг ҳиммати туфайли мактаб ҳовлисидаги токларга металлдан сўри тикланди. Кенгаш томонидан мактаб ихтиёрига бир кунга бериб қўйилган пайвандловчи трактор ёрдамида катта ҳажмли таъмирлаш ишлари бажарилди. Кенгаш тасарруфидаги савдо шохобчалари ва ёрдамчи ишлаб чиқариш тармоқларида мактаб ўқувчилари учун 36 та ишчи ўрни ажратиб қўйилган. Касб-ҳунар ўрганаётган йигит-қизлар амалий машғулотларни ана шу жойларда ўтказишмоқда.

Мактаб жамоаси кийим-кечак, ўқув-ёзув қуроллари харид қилишда ҳам асло қийналмайди. Билим маскани яқинидаги катта дўконда бунинг учун барча имкониятлар яратилган. Бундан бир-икки ой олдин эса 52 нафар ўқитувчига арзон нархда ўсимлик ёғи, гуруч, сариёғ тарқатилди. Туманда бундай ғамхўр ва олиҳиммат оталиқ ташкилотлари кўплаб топилади. Короскон қишлоғидаги "Кабель" ширкати (бошлиғи Асқаржон Тўхтабоев), Қўшғишт заводи (директори Аҳмаджон Жалилов), туман деҳқончилик саноати комбинатига қарашли автокорхона (бошлиғи Эркинбой Абдуллаев), "Чортоқ" жамоа хўжалиги (раиси Турдиали Жуманбоев) ана шулар жумласидандир. Мазкур меҳнат жамоаларининг яқиндан берган ёрдамлари туфайли 2-, 12-, 24-, 35-мактаб бинолари тез ва сифатли таъмирлашдан чиқарилди. Бунинг учун оталиқ ташкилотлари 100 миллион сўм-купондан ортиқ маблағ сарфладилар. Таълим-тарбия муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлаш ишига ота-оналар, мактаб жамоалари ҳам баракали ҳисса қўшдилар. Туман халқ таълими бўлимига қарашли 9 та болалар боғчаси биноларини таъмирлаш ота-оналар ҳисобидан амалга оширилди. Мактабларда ана шу мақсад учун сарфланган маблағнинг 70 миллион сўм-купонга яқини эса мактаб жамғармалари ҳисобидан қопланади. Уюшқоқлик, ҳамкорлик билан қилинган саъй-ҳаракат ўз самарасини берди. Тумандаги 37 та мактаб ва мактабдан ташқари муассасалар янги ўқув йилига ҳозирданоқ тахт қилиб қўйилди.

Абдураҳмон ОТАЖОНОВ,

Чортоқ туман халқ таълими бўлимининг услубчиси.

Ўқув йилига тайёрмисиз?

ТАЪМИРЛАШ ЯКУНЛАНДИ

Хоразм вилоятининг Янгиариқ тумани маорифчилари мактабларни янги ўқув йилига ҳар жиҳатдан сифатли тайёрлашга барвақт ва пухта режа асосида киришганлари туфайли ҳозирда бу борадаги барча юмушлар саранжом-саришта қилиб қўйилди. Чунончи, Қўчқор Жўманиёзов номидаги 27-мактаб жамоаси таъмирлаш ишларини вилоятда биринчи бўлиб тугаллади. Ушбу мактаб уч йилдирки, таъмирлаш ишларини ўз ҳисобидан бажармоқда. Бу йил сарф-харажат учун 3 миллион сўм-купон ажратилди.

Тумандаги "Хоразм", Беруний, Ҳ. Олимжон номидаги ва бошқа кўпгина мактабларда ҳам таъмирлаш ишлари июнь ойидаёқ ниҳояланди. Шу ўринда оталиқ ташкилотларининг ёрдамларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Масалан, туман матлубот ҳиссадорлик жамияти Отажон Жуманиёзов номидаги мактабга 4 миллион сўм-купонлик ёрдам кўрсатди. "Динамо" ширкати эса Навоий номидаги мактабга ўқув жиҳозлари олиб берди ҳамда барча илмгоҳларнинг иситиш тизимини таъмирлашни ўз зиммасига олди. Туман пахта тозалаш заводи ҳам мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш ишига яқиндан кўмаклашмоқда.

Ғ. ЁҚУБОВ,

ўз мухбиримиз.

***

Газетамизнинг ушбу сони саҳифаланаётган пайтда Янгиариқ туманидан қувончли хабар келди. Туман халқ таълими бўлими мудири О. Қурбонов йўллаган шошилинчномада таъкидланишича, тумандаги барча мактаб бинолари, ўқув-кўргазма қуроллари сифатли таъмирланиб, Хоразм воҳасида биринчи бўлиб янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилган. Бу борада туман ҳокимлиги, жамоа хўжаликлари, оталиқ ташкилотлари маорифчиларга яқиндан ёрдам кўрсатдилар.

ИҚТИДОРЛИЛАР МАКТАБИ

Фова қишлоғи Наманган вилоятидаги сўлим масканлардан. Чегараси Чоткол тоғи этакларига туташ. Мазкур қишлоқдаги "Иқтидор" оромгоҳида ўн кун мобайнида ёш физик ва математикларнинг 4-ёзги мактаби фаолият кўрсатди. Республиканинг турли вилоятларидан келган 70 нафар иқтидорли ўқувчи таниқли олимлар — Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ш. Аюпов, ЎзФА ядро институти директори, профессор Беҳзод Йўлдошев ва бошқаларнинг маърузаларини тингладилар ҳамда маданий ҳордиқ чиқардилар.

— Билим даргоҳида ўқувчиларнинг айрим соҳалар бўйича қизиқишлари ва истеъдодлари аниқланди, — дейди биз билан суҳбатда физик ва математиклар мактаби ташкилий қўмитаси раисининг муовини Насиба Солиҳўжаева. — Болалар ўртасида физика ва математика фанларидан тест синовлари ҳамда ёзма ишлар бўйича кичик олимпиадалар ўтказилди. Шахсий очколар бўйича юқори ўринни қўлга киритганларга фахрий ёрлиқлар, диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Мактабга истиқболли тадқиқотлар ва инновация институти ҳомийлик қилди.

Ўз мухбиримиз.

Тест синови—давр талаби





ЎҚИГАН ЎЗАР!

Ўқув юртларимизга қобилиятли ва иқтидорли ёшларни танлаб олишнинг адолатли ҳамда мақсадга мувофиқ тест усулининг қўлланилаётгани мустақил республикамиз келажагини мустаҳкамлашнинг асосий омилларидан биридир.

Олий ўқув юртлари қаторида республикамиздаги айрим педагогика техникумларида ҳам бу йил талаба танлови тест синовлари асосида ўтказилмоқда. Синовлар муваффақияти шубҳасиз, жойларда қўрилаётган тайёргарликларга боғлиқ.

Бинобарин, барча ўқув юртлари қошида фанлардан кон ультациялар ташкил этилиб, мутахассислар, тажрибали педагог ва олимлар абитуриентларни қизиқтираётган саволларга батафсил жавоб бериб турибдилар.

Куни кеча эса Тошкент педагогика билим юртида тест синовлари асосида абитуриентларни саралаш бошланди. Янги усулнинг афзаллиги шундаки, абитуриент икки соат оралиғида топширган имтиҳони бўйича тўплаган балини билиб олиши мумкин.

Тест синовларининг янада адолатли ва холис ўтишини таъминлаш мақсадида билим юрти педагоглари қаторида абитуриентларнинг ота-оналари, маҳалла кенгашларининг вакиллари ҳам иштирок этишмоқда, ўқувчилар билимини кузатишмоқда.

Суратларда: тест синовларидан лавҳалар.

Ҳ.СОЛИҲОВ олган суратлар.

МАДАДТАЛАБ МАКТУБЛАР

ВАЪДА БЕРИШАДИ-Ю...

1990 йилдан буён Олтинкўл туманидаги Қори Ниёзий номидаги 11-мактабда ўқитувчилик қилиб келаяпман. 1991 йилда ер участкаси олиш учун мактаб маъмуриятига ариза бергандим. Афсуски, шу кунга қадар С.Ашуров номидаги жамоа хўжалигидан бизга ер ажратилмади.

Ҳозирда олти ярим сотих жойда 4 оила, жаъми 13 киши яшаб келмоқда. Масалани ҳал этишда ёрдам сўраб жамоа хўжалиги ва қишлоқ кенгаши раҳбарларига учрашдим, туман ва вилоят ҳокимлигига мурожаат қилдим. Улардан "Ер участкаси 1995-йилда берилади" деган мазмундаги жавобни олдим.

Ўқитувчиларга биринчи навбатда томорқа хўжалиги учун ер ажратиш ҳақидаги Президентимиз фармонини бажаришдаги бу каби сусткашликдан жуда ранжидим.

С.ТОЖИБОЕВ.

***

НИШОНДАН ДАРАК ЙЎҚ

1988 йили туманимиздаги 2-мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси сифатида ишлаб юрган пайтимда "Ғунча" жамоасини "Қувноқ стартлар" республика телевизион кўригига тайёрлаб, унинг якуний қисмида ҳам муваффақиятли иштирок этгандик. Натижада жумҳуриятимиз Халқ таълими вазирлиги томонидан рағбатлантирилиб, вилоятлардаги 13 нафар ўқитувчига "Халқ таълими аълочиси" нишони берилган эди. Буйруқдан кўчирмани ўқигандик ҳам. Бошқа вилоятлардаги ҳамкасбларим аллақачон нишонини олишганидан хабаримиз бор. Мен эса ҳанузгача мукофот кутяпман. Ҳозирда Фарғона вилоятининг Бағдод туманидаги 3-ўрта мактабда директорлик қиляпман. Бу борада газета ёрдам берар, деган умидда сизларга хат йўлладим.

А.ЗИЁВИДДИНОВ.

ИСЛОҲОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИ—ИЗЧИЛЛИКДА

Боши биринчи бетда

Ғаллакорлар 1 миллион 300 тонна ҳосил топширибди. Бу 550 миллион сўм пул бўлади. Шундан 157 миллион сўм тўланган, холос. Мен жанубий вилоятларда сафарда бўлганимда деҳқонлар, хўжалик раҳбарлари билан гаплашдим. Кўпчилиги пулини ҳали ололмаган. Пилла, картошка масаласида ҳам аҳвол шундай. Молия вазирлиги, Марказий банк раҳбарлари, алоқадор вазирликлар, ташкилотлар билан бу масалани тезда ҳал этиши, ҳисоб-китоб ишларида қатъий тартиб-интизом ўрнатиши зарур.

Кишини ташвишга соладиган яна бир масала макроэкономика, яъни илгари Иттифоқ тасарруфида бўлган, фаолияти Ҳамдўстлик мамлакатларидаги таъминотчиларга боғлиқ катта-катта заводлар тақдиридир, деди Ислом Каримов. Хўжалик алоқалари узилиб қолгани боис бу корхоналарнинг деярли барчаси маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириб юбормоқда.

Собиқ Иттифоқ парчаланиб кетганига уч йил бўляпти. Ўшандан буён аҳвол шу. Нима, энди тақдирга тан бериб, қўлни қовуштириб ўтираверамизми?

Қаранг, Олмалиқ кон-металлургия комбинатига Россия шпал, ёғоч, шар ва риагент каби ишлаб чиқариш учун зарур маҳсулотларни бермаётган экан. Ундай бўлса, нега корхона ишлаб чиқарилган миснинг 50 фоизини шимолий қўшнимизга жўнатмоқда? Аслида кимнинг маҳсулоти қимматлироқ: шпалми ё мисми? Шунга қараб иш тутсак, ўз шартимизни қўйсак бўлмайдими?

Бундан шундай хулоса чиқадики, макроэкономика таркибига кирувчи ана шу заводларнинг раҳбарлари таъминотчи ва шерикларини ҳам элакдан ўтказиши, сўзида турмайдиган, ишончни оқламайдиганлари бўлса, улар билан ҳисоб-китобни ёпиб, бошқа давлатлардан ҳамкор излаши, янги хўжалик алоқаларини боғлаши керак. Зарур бўлса, ишлаб чиқариладиган маҳсулот турини, заводларнинг йўналишини ўзгартириш лозим.

Шу йил 1 июлдан мамлакатимизда миллий валюта — сўм муомалага киритилди. Мустақиллигимизнинг яна бир рамзи ўзининг бўй басти, кўрку чиройи билан зоҳир бўлиб, кўзларимизни қувонтирди.

Сўмнинг харид қобилиятини мустаҳкамлаш, қадрини тушириб юбормаслик энг долзарб вазифалардан биридир, дея таъкидлади Президент. Бу эса биздан қаттиқ молия-кредит сиёсатини ўтказишни, товар билан таъминланмаган пулнинг муомалада бўлишига йўл қўймасликни талаб этади. Чунки, бусиз инфляцияни жиловлаб бўлмайди.

Инфляция — пулнинг қадрсизланиши нимадан келиб чиқади? Бу ишлаб чиқарилган маҳсулот билан муомалада юрган пул ўртасидаги мувозанатнинг бузилишидир. Ўринсиз имтиёзли кредитлар бериш, корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ўрнига нархни сунъий равишда ошириб, даромад топиши бу ҳолнинг асосий сабабларидир.

Қарзга ботган, зарар кўриб ишлаётган корхоналарга маош тўлаш учун кредит беришга энди йўл қўйиб бўлмайди. Лекин ҳокимлар, ана шу корхоналарнинг мутасадди раҳбарлари бу ҳақда бош қотиряптими, йўқми?

Шуни ҳамма теран англаб етиши керакки, энди ортиқча пулнинг муомалада бўлишига йўл қўйилмайди. Чунки бунинг аччиқ "мева"сини тажрибада татиб кўрдик. Бир мисол. 1993 йилнинг баҳорида тайёрлов идораси ходимларига аҳолидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш учун 50 миллиард рубл нақд пул берилган эди. Унинг 8 миллиарди талон-тарож қилингани аниқланди.

Бу шоввозлар аҳолининг ризқ-рўзини ўйлаб берилган пулга озиқ-овқат, ғалла олиб келиш ўрнига ўзлари ва айрим ҳомийларининг манфаатини кўзлаб турли машинаю телевизорлар сотиб олган. Бунга кимдир жавоб берадими, йўқми? Бу нима деган гап. Шу даражада ҳам ноинсофлик бўладими?

Мамлакатда хусусийлаштириш жараёни ҳам кўнгилдагидек кечмаяпти, дея давом этди Президент. У фақат расмиятчилик учун амалга оширилгандек таассурот қолдираги. Савдо, маиший хизмат соҳаларида бу иш гўё тугалланган бўлса-да, амалда моҳият деярли ўзгармади.

Мен Сурхондарё, Қашқадарё ва Самарқандда ишчилардан, корхонангиз хусусийлашибди, аввалгидан қандай ўзгариш бор, деб сўрадим. Афсуски, аниқ жавоб ололмадим. Биз акция деган сўзни кўп ишлатамиз. Лекин оддий меҳнаткашларда бу ҳақда тушунча кам. Чунки бизда ҳали ҳам муқобил эгасини топгани йўқ. Акс ҳолда турли хил боқиманда ташкилотларнинг, масалан, турли "торг"ларнинг кимга кераги бор. Ҳақиқий дўкондор молни ўзи топиб, ўзи олиб келиб, ўзи сотаверади!

Транспорт соҳасидаги қийинчиликлар тўғрисида кўп гапирамиз. Ҳолбуки, турли ташкилотларда, айниқса автокорхоналарда баъзи эҳтиёт қисмлари йўқлиги туфайли тўхтаб ётган ўнлаб юк машиналари, автобуслар бор. Нега уларни фуқароларга шахсий мулк қилиб сотиш мумкин эмас?! Шундай қилинса, шахсий мулк эгаси таъмирлашни ҳам ўзининг зиммасига олади, эҳтиёт қисм ҳам топади, муҳими, одамларга хизмат қилади.

Меҳмонхоналарни, хусусан, хорижий шериклар иштирокида бунёд этилаётган Тошкент, Бухоро ва Самарқанд шаҳридаги меҳмонхоналарни чет эллик сармоядорларга сотиш тўғисида топшириқ берилганига анча бўлди. Лекин амалда ҳеч бир иш йўқ. Гап унинг нархида — арзон ёки қимматлигида ҳам эмас. Биродарлар, тушунинглар, шу иш амалга ошса, бу меҳмонхоналарга сайёҳлар келади, ўзларининг доллар, марка, иенларини ташлаб кетади, ахир! Қолаверса, шаҳарларимизга юксак хизмат кўрсатиш маданияти кириб келади, одамларимиз улардан иш ўрганади.

Хусусийлаштириш борасидаги муаммоларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, кўплаб раҳбарлар онгида эски тузум асоратлари қаттиқ ўрнашиб қолган. Улар, аввало, мулкни қўл остидан чиқаришдан, хусусий мулк эгаларининг кўпайишидан қўрқади. Рақобатчилар пайдо бўлишини истамайди. Ҳолбуки, бозор иқтисодиётининг асосий ривожланиш омили, халқ турмушини тўкин-сочин қиладиган манба, бу — ишлаб чиқаришда, хизмат кўрсатишда ва бошқа барча соҳалардаги соғлом рақобатдир.

Ўзбекистон — улкан қишлоқ хўжалик тизимига эга бўлган мамлакат, деди Президент. Бу соҳада қўлга киритган ютуқларимизни, пахта, пилла, сархил меваларимиз довруғини бутун жаҳон билади. Лекин бу борада ҳам фойдаланилмаётган имкониятлар жуда кўп.

Қишлоқ хўжалиги тизимини ислоҳ қилиш, хусусийлаштиришни амалга оширишда бир нозик масала борки, бу — ер ислоҳоти, яъни, кимга, қанча ер ажратиб бериш керак деган муаммодир.

Ҳозир биз кўп давлат хўжаликларини мулкчиликнинг янги — жамоа, оилавий, ижара шаклларига ўтказдик. Деҳқон фермер, хўжаликлари ташкил этдик. Лекин, уларнинг келажаги қандай бўлади, деган савол ҳамон кўндаланг турибди. Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг эса бу борада аниқ дастури ёки бирон амалий таклифи йўқ. Ваҳоланки, ер ҳақиқий эгасини топмас экан, бу соҳадаги ислоҳот олға босмайди.

Шу маънода олимларимиз, иқтисодчиларимиз бу муаммони ўрганиб чиқишлари, бизга ҳар жиҳатдан мукаммал тавсияларини беришлари керак.

Биз ҳисоб-китоб қилиб кўрсак, Жанубий Кореяда 42 миллион аҳолига — 2 миллион 100 минг, Ўзбекистонда эса 22,5 миллион одамга — 4 миллион 200 минг гектар суғориладиган ер тўғри келар экан. Демак, бизнинг онгимизга сингиб қолган Ўзбекистонда ер кам деган тушунча ҳам унча тўғри эмас. Фақат бизда ерда ишловчилар, тирикчилигини деҳқончилик билан боғлаган одамлар кўп. Модомики, шундай экан, саноатни, хизмат кўрсатиш соҳаларини қишлоққа олиб келиб, одамларга даромад топиш учун шароит яратиб бериш керак. Шу тарика ерда ишловчилар сонини ривожланган мамлакатлардагидек 7-8 фоизга тушириш лозим.

Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли сонига тақсимланганда нисбатан ер кўп. Шу ерда баъзи зарар кўриб ишлаётган хўжаликларни тарқатиб юбориб, ерни одамларга бўлиб бериш борасида тажриба ўтказиш керак, деб ўйлайман. Бунда ерни сотиш мумкин эмаслигини, фақат фарзандларига мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи берилишини назарда тутмоқ даркор.

Шу йил 1 августдан бошлаб миллий валютамизнинг ички конвертацияси амалга оширила бошлайди. Бу тадбир миллий пулимизнинг қадрини ошириш йўлидаги муҳим қадамлардан биридир.

Биз келажаги буюк давлат барпо этишни ният қилганмиз, деди Ислом Каримов пировардида. Миллий давлатчиликни, асрий қадриятларни тиклаш, бозор муносабатларининг ижтимоий-иқтисодий асосларини яратиш йўлида республикада бир қанча ишлар қилинди. Бошқача қилиб айтганда, баъзилар бино қуришни томдан бошлаган бир вақтда биз ислоҳотимиз пойдеворини мустаҳкамлаб олиб, босқичма-босқич амалга оширяпмиз.

Яқин кунларда жонажон Ўзбекистонимиз давлат мустақиллигининг уч йиллигини нишонлаймиз. Истиқлол йилларида амалга оширилган ишларни яна бир карра сарҳисоб қиламиз. Фақат аҳил бўлсак, бир-биримизга ишониб, бир ёқадан бош чиқариб камчилик ва нуқсонларни қадам-бақадам бартараф этиб борсак, иншооллоҳ, барча ниятимизга етамиз.

Мажлисда республика Бош вазирининг ўринбосарлари — "Ўзистиқболстат" давлат қўмитаси раиси М. Шарифхўжаев, молия вазири Б. Ҳамидов, шунингдек, Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Р. Йўлдошев, Тошкент вилояти ҳокими М. Иқромов, Олмалиқ кон-металлургия комбинати директори В. Сигедин муҳокама этилган масала юзасидан ахборот бердилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси У. Аширбеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

Аҳмад ХЎЖА (ЎзА).

«Маърифат»га жавоб берадилар

«ТОКАЙ БОШҚАЛАРГА ҲАВАС ҚИЛАМИЗ?»

Газетамизнинг шу йилги 16 февраль сонида Қашқадарё вилояти Косон туманидаги Нодира номидаги мактаб ўқитувчиси Раҳима Адировонинг юқоридаги сарлавҳа остидаги танқидий мақоласи чоп этилганди. Муаллиф 48-мактаб биносининг ачинарли аҳволи таълим-тарбия ишларини талаб даражасида олиб боришга тўсқинлик қилаётгани ҳақида ёзганди. Танқидий мақола текшириш ва чора кўриш учун Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармасига юборилди. Бошқарма бошлиғи П. Бердиев имзо чеккан расмий жавоб хатида қуйидагилар баён этилган:

"Нодира номидаги мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Р. Адировонинг "Маърифат" газетасида чоп этилган мақоласи жойига бориб ўрганилди.

Мактабнинг 422 ўринли янги биноси қурилиши Беруний жамоа хўжалиги буюртмасига кўра 232-кўчма механизациялашган колонна томонидан 1992 йил июль ойида бошланган бўлиб, шу йили янги нархда 1,8 миллион сўмлик, 1993 йилда эса 8,1 миллион сўмлик иш бажарилган. 1994 йилда 85,6 миллион сўмлик қурилиш ишларини амалга ошириш юзасидан шартнома тузилган. Бироқ Беруний жамоа хўжалиги ҳисобида маблағ бўлмагани сабабли қурилиш ишлари вақтинча тўхтаб қолган. Жамоа хўжалиги раҳбари М. Бобошариповнинг айтишича, пул тушгач, қурилиш давом эттирилади.

Муаллифнинг "Аҳвол шундай давом этаверса, бу йил ҳам қулаб тушиш арафасида турган бинода қоламиз, шекилли" деган фикри мутлақо нотўғри. Чунки 1986 йилда мактаб учун тайёр лойиҳа бўлмаганлиги сабабли "Чўпонлар уйи" лойиҳаси 320 ўринли мактабга мослаштирилиб, 11 та шинам хонали бино (пойдеворли, пишиқ ғиштдан, тахта пол, иситиш хоналари бор) жамоа хўжалиги томонидан қурилиб, фойдаланишга топширилган эди. Ўқув йилида шу ерда машғулотлар олиб борилди. Мактаб атрофида маиший-маданий тадбирларга мўлжалланган 3 метрлик айвон қурилган.

Муаллифнинг табиий газ қувури Тинибек ва Эсабой қишлоғига келиб тўхтади, деган фикри ҳам асоссиздир. Жамоа хўжалиги режасига мувофиқ ўтган йили Тинибек ва Эсабой қишлоқлари газлаштирилди. Бу йил Ҳалима ва Тукманғит қишлоқларига газ қувурлари ўтказилади.

Республика Президентининг қатор фармонларига мувофиқ халқ таълими муассасалари ходимлари ижтимоий муҳофаза қилиб турилган бир вақтда Нодира номидаги мактаб жамоаси ва унинг раҳбариятига ҳозирги молиявий танқисликни тўғри талқин этиш лозимлиги тушунтирилди. Косон туман халқ таълими бўлими зиммасига таълим-тарбия ишларини яхшилаш, педагог ходимлар жамоаси ўртасида ижтимоий муҳитни соғломлаштиришга амалий ёрдам бериш вазифаси топширилди".

ИЗЛАГАНГА ИМКОН БОР

Тўрткўл Қорақалпоғистон Республикасининг йирик туманларидан биридир. Бу ҳудудда халқ хўжалигининг турли соҳаларида эришилаётган ютуқлар билан бир қаторда халқ таълимини ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Туманда 52 та умумий таълим мактаби, учта мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш комбинати, 4 та болалар боғчаси, 1 та ўқувчилар уйи фаолият кўрсатаяпти. Билим масканларида 22 мингдан ортиқ ўқувчига 1900 дан зиёд муаллим таълим бераётир.

Мактаблардаги ўқув яқин икки-уч йил ичида тўлиқ бир сменага кўчирилиши режалаштирилган. Кўзланган мақсадга эришиш учун билим масканлари моддий-ўқув базасини мустаҳкамлаш, янги мактаб бинолари қуриш талаб этилади. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида бу иш қандай амалга оширилаяпти? Туман халқ таълими бўлими мудири Камолиддин КАРИМОВдан мухбиримиз Ғ. ЁҚУБОВ шу ҳақда сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг халқ таълимини тараққий эттиришга устивор йўналиш деб қараётганлиги, "Таълим тўғрисида"ги Қонунни руёбга чиқариш муҳим вазифага айланганлиги маорифга тааллуқли барча ишларни жадал олиб боришни таъминлайди, албатта. Келажаги буюк давлатимизнинг билимдон, маданиятли кадрларини тайёрлашда мактабларнинг аҳамияти катта.

Ана шундан келиб чиқиб, биз яқин икки-уч йил ичида мактабларимиздаги ўқувни бир сменага кўчиришни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйганмиз. Бунинг учун илм масканларимизнинг моддий-техник асосларни муттасил мустаҳкамлаб бораяпмиз. Фан кабинетларини таълимнинг техника воситалари, кўргазмали қуроллар, асбоб-ускуналар билан таъминлаш доимий эътиборимизда. Бу борада туманимиз ҳокимиятининг саъй-ҳаракати ва ёрдами катта бўлаяпти. Ана шу туфайли кейинги бир йил ичида 1200 ўринли 4 та янги мактаб, 3 та билим масканининг қошида 450 ўринли қўшимча синфхоналари, 220 ўринли ошхона қурилиб ишга туширилди.

Оталиқ ташкилотлари кўмагини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Ў. Юсупов, Р. Султонов, О. Машариповлар раҳбарлик қилаётган "Намуна", "Ғалаба", "Ўзбекистон" жамоа хўжаликлари ўз ҳудудларидаги янги мактаблар бинолари қурилишини маблағ билан таъминладилар.

Мактабларни иситиш тизимларини табиий газга кўчиришга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида 10 та мактаб иситиш тизими газга уланди. Шунингдек, мактабларни компьютерлаштириш борасидаги ишларимиз ҳам тилга олса арзигулик. Бир йил ичида мактабларимизда қўшимча 3 та компьютер синфи ташкил қилинди. Бу ишларни амалга оширишда Адаккаев номидаги, А. Дурдиев номидаги, Я. Иламонов номидаги, Ш. Рашидов номидаги, "Уллибоғ", "Шўрахон", Қ. Нуримбетов номидаги жамоа хўжаликларининг раҳбарияти муносиб улуш қўшмоқдалар.

Бир қатор жамоа хўжаликлари ҳудудидаги мактабларнинг янги бинолари улар ҳисобига барпо этилмоқда. Масалан, Ш. Рашидов номидаги жамоа хўжалиги ҳудудида қурилаётган 192 ўринли янги мактаб биноси қурилиши ниҳоясига етай деб қолди. Шу йилнинг 1 сентябригача жамоа хўжаликларида қурилаётган билим масканларидан 3 тасининг янги биноси фойдаланишга топширилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамай, мактабларнинг ўқув-моддий базасини бойитиш имкониятларини излаб топаяпмиз. Бунинг биринчи имконияти мавжуд бинолар ва ашёларни яхши сақлаш, ўз кучлари билан таъмирлаш ташаббуслари бўлса, иккинчиси, мактабларнинг ўзларида янги синфхоналар қуриш ва мавжудларини таъмирлаш учун маблағлар ишлаб топишдир.

Ҳозирги кунда билим масканларимизда устахоналар, ўқув-ишлаб чиқариш участкалари, кичик корхоналар мавжуд. Тикув устахоналари, кичик корхоналар аҳолига хизмат кўрсатишдан ишлаб топилган маблағнинг бир қисмини мактаб фондларига ажратмоқдалар. Бундан ташқари, ўқув-тажриба участкаларида етиштирилган ҳосилдан тушумларимиз ҳам талайгина. Жумладан, Я. Иламонов номидаги ўрта мактабдаги кичик корхонада ўтган йили 250 минг сўмлик палос-гилам тўқилди. О. Авезов номидаги ўрта мактаб қошидаги "Ёш ҳунарманд" кичик корхонаси 1 миллион сўмликдан зиёд маҳсулотни шартнома асосида сотди.

Қишлоқ мактабларидаги 65 минг гектар майдонда ёш деҳқонлар пахта, шоли ва полиз маҳсулотлари етиштирмоқдалар. Айрим мактабларимизда чорва боқишга эътибор қаратиляпти. Ҳозир билим масканларимиз қошидаги "кичик ферма"ларда 50 дан ортиқ қўй, 10 та қорамол боқилмоқда. Бундай ички имкониятлардан келган даромад мактабларимизни таъмирлашга, уларнинг моддий негизини мустаҳкамлашга, ўқувчиларни рағбатлантиришга сарфланмоқда.

Ҳозирги кунда туманимиз мактаблари янги ўқув йилига пухта ҳозирлик кўриш ишлари билан шуғулланмоқда. Мактаб бинолари ва ашёларини авайлаб сақлаш ва бойитиши ҳамда синфхоналарни ўз кучлари билан таъмирлаш ташаббуси кўпгина педагогик жамоаларимиз ўртасида кенг қулоч ёймоқда. Бу эса яқин икки-уч йил ичида туманимиздаги барча мактабларни бир сменали ўқишга ўтказишга имкон берувчи манбалардандир.

Жиззах вилоятининг Пахтакор туманидаги 6-ўрта мактабда ташкил этилган ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси аъзолари 21 гектар майдонга чигит экишган. Ўқитувчи Тоҳир Қодиров раҳбарлигида ёшлар ғўза ниҳолларига ишлов бериб, мўл ҳосил учун замин яратишди.

Биз ёш миришкорлар даласида бўлганимизда гуллар кўсакка айланиб, пахтадан нишона бераётганлигини кўрдик.

Суратда: Бригада раҳбари Т. Қодиров ўқувчилардан Шаҳодат Рўзиқулова, Мухаррам Акбарова, Анзират Шодмоновалар билан ғўзаларни кўздан кечирмоқда.

Сураткаш У. ҚЎШВОҚОВ.

БОЛАЛИККА ЗАҲМАТ ЕТМАСИН

Китоб туманида "Болаликни ҳимоя қилиш муаммолари" мавзуига бағишланган республика ҳудудий семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятлари халқ таълими, соғлиқни сақлаш, прокуратура, ички ишлар органлари ходимлари иштирок этишди.

Келажакнинг ҳақиқий эгалари ёшлардир. Ҳозирги давр пўртаналари уларга заҳмат етказмаслиги, бинобарин, уларни шу жараён ичра чиниқтириб бориш асосий вазифалардан ҳисобланади. Шу боис ёшларга давр руҳида таълим-тарбия бериш, кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, қаровсиз болаларни назоратга олиш, ёшларга касб-ҳунар ўргатиш ишларига жиддий эътибор қаратмоқ лозим. Вилоятларда бу борада қилинаётган ишлар тўғрисидаги маърузалар тингланди, фикрлар алмашилди.

Анжуман сўнгида бундай ўзаро тажриба алмашишлар катта амалий аҳамиятга эга эканлиги таъкидланиб, уни мунтазам ўтказиб бориш ҳақида келишиб олинди.

Ж. ЖИЛОВОВ,
Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи муовини

ОМАД ЁР БЎЛСИН!

Маълумки, 5 августда республикамиз олий ўқув юртларида 1-курсларга талабалар қабул қилиш бўйича тест синовлари бўлиб ўтади. Ана шу гоят масъулиятли ва ҳаяжонли дамларга Урганч давлат университети жамоаси ҳам маълум тайёргарликлар билан келмоқда.

— Бу йил кундузги бўлимга 20 мутахассислик бўйича 505 нафар талаба қабул қилиш режалаштирилган, — дейди биз билан суҳбатда университетга қабул қилиш комиссияси масъул котибининг муовини Эркин Тўраев. — Тест синовлари ҳақиқий билимлар синовига айланиши кўп жиҳатдан биз педагогларга боғлиқ. Шунинг учун университетимизда 1993 йил ноябрь ойидан бошлаб 8 ойлик, 1 ойлик тайёрлов курслари фаолият кўрсатаяпти. Ҳозирги пайтда 8 ойлик курсни 75 йигит-қиз битирди. 1 ойлик курсда эса 50 га яқин ёшлар ўқияпти. Бу йил университетимиз томонидан 5 та тест китоблари чоп этилди. Улар ҳам "Абитуриент-94" мавсумини муваффақиятли тугаллашга кўмаклашади, деган умиддамиз.

Билимли ёшларга, истеъдод эгаларига омад ёр бўлсин!

Ўз мухбиримиз.

"Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари" лойиҳаси муҳокамада

ЯНАДА МУКАММАЛ БЎЛСА...

Лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосининг жорий этилиши янги имло қоидалари яратилишига замин бўлди. Имло қоидаларини тузувчи ишчи гуруҳи бу ишга масъулият ва фидойилик билан ёндашганлиги Лойиҳадан кўриниб турибди. "Ж"ҳарфининг тил олди жарангли сирғалувчи ва жарангсиз қоришиқ товушларини ифодаловчи икки кўринишининг берилиши ижобий ҳодисадир. Асос ва қўшимчалар имлоси ҳам мукаммал берилган деб ўйлаймиз.

Лойиҳа билан танишар эканмиз, айрим мулоҳазаларни билдириб ўтишни лозим кўрдик. Жумладан:

36-модда "к" ундоши билан тугаган кўп бўғинли сўзларга эгалик қўшимчаси қўшилганда **"к" "г"**га айланади ва шундай ёзилади, дейилган. Лекин учинчи шахс кўплик қўшимчаси қўшилганда ўз ҳолича қолади, яъни тилаклари, беклари, эртаклари каби. Эслатма киритилса, аниқроқ бўларди.

37-моддада **орзум, орзунг, орзуси; обрўйим, обрўйинг, обрўйи** каби ёзиш керак, дейилган. Кўпинча ўқувчилар унли билан тугаган сўзларга эгалик қўшимчалари қўшилганда қандай ёзишни билмайдилар, негаки, орзум, орзуим, орзуйим деб ҳар хил ёзилади. Бизнингча, ҳар икки сўз бир хил ёзилиши керак. Хусусан, орзуйим, парвойим каби. Чунки иккала сўз ҳам шундай айтилади.

41-моддага хона, нома, хуш, ҳам, бахш, кам, мижоз, сифат, талаб каби сўзлар мустақил маъно англатиб келса, алоҳида шаклда ёзилади, деган эслатма киритилса, маъқул бўларди.

53-моддада жуфт сўз қисмлари орасида -у, -ю боғловчиси келса, ундан олдин чизиқча қўйилади: ер-у осмон каби, дейилади. Лекин, биз боғловчи қўшиб ёзилгани маъқул деб ҳисоблаймиз, яъни еру осмон, дўсту душман каби.

57-моддада бирдан ортиқ юкламаларнинг ажратиб ёзилиши мақсадга мувофиқ эмас, келдинг-ми-а эмас, келдингми-а деб ёзилса, тўғри бўларди.

Лойиҳанинг "Кўчириш қоидалари" бўлимига эслатма берган маъқул. Ўзбек орфографиясининг асосий қоидаларида ёзув, юмшоқ ёноқ, юрак, яқин, яшин каби сўзларнинг бош бўғини бир ҳарфдан иборат бўлгани учун бўғин кўчиришда бир ҳарфни юқори сатрда қолдириб, қолганини иккинчи сатрга кўчириб бўлмасди. Лотин алифбоси асосидаги ёзувимизда эса ё, ю, я икки товуш билан ёзиляпти. Энди йо-зув, йо-ноқ, йу-муш каби бўғинга ажратиб ёзиш мумкинлиги қоидага киритилишини таклиф этардик.

Умуман, имло қоидалари қанчалик мукаммал бўлса, у шунчалик узоқ йилларга хизмат қиладиган манба бўлади.

Баҳодир ВАЛИЕВ,
Маҳмуда ВАЛИЕВА.

Тест синови — давр талаби

БОШ МЕЗОН — АДОЛАТ

Саноқли кунлардан сўнг олий ва ўрта махсус ўқув юртларида тест синовлари асосида талабаларни ҳамда ўқувчиларни танлаб олиш бошланади. Тест синовлари олий ва ўрта махсус таълимнинг янгиланишида дастлабки тажриба бўлганлиги сабабли абитуриентлар ўртасида шу масала юзасидан айрим қийинчиликлар, тушунмовчиликлар келиб чиқаётганлиги сир эмас. Шу боис ота-оналар, жамоатчилик кенгаши ва абитуриентлар тегишли вазирликлар, олий ўқув юртлари қаторида газетамиз таҳририятига ҳам кўпдан-кўп саволлар билан мурожаат қилишмоқда.

Газетамизнинг ўтган сонида бу ҳақда таъкидлаб, савояларни мутасаддилар эътиборига ҳавола этишга ваъда бергандик.

Бугун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат тест маркази директорининг маслаҳатчиси Ефим Григорьевич ШАЙИН кўпчиликни қизиқтираётган саволларга жавоб беради.

Қ. МУҚИМОВ (Оқ олтин тумани).

Савол: Республика олимпиадаларида иштирок этиб, ғолиб бўлганларга тест синовларида имтиёзлар бериладими?

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан истеъдодли ёшларга имкон яратиш мақсадида олимпиадада биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган иқтидорли ўқувчилар тест синовларисиз олий ўқув юртларига қабул қилинадилар. Бу имтиёз фақат бир йилгача ўз кучини сақлайди. Масалан, 1992 йилда олимпиада ғолиби бўлган ўқувчи учун бу йилги синовларда ҳеч бир имтиёз берилмайди.

Р. ҚАҲРАМОНОВ (Андижон вилояти).

Савол: Уруш қатнашчилари ҳамда меҳнат фахрийларининг фарзандларига тест синовлари жараёнида у ёки бу маънода имтиёзлар бериш, енгилликлар яратиш кўзда тутилганми?

— Кейинги йилларда Республикамиздаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида тест синовларининг жорий этилишидан кўзланган мақсад истеъдодли, иқтидорли, танлаган соҳасига қизиқувчи ёшларни танлаб олишдан иборат. Шу боис тест синовларидаги асосий мезон тўпланган баллар бўлиб, имтиёз ҳам ана шу балнинг ўзи ҳисобланади.

З. МУҚИМОВ (Денов тумани).

Савол: Ижодий ва ихтисослик бўйича бўладиган имтиҳонлар қандай усулда ўтади?

— Айни пайтда деярли ҳамма олий ўқув юртларида абитуриентлар асосан тест синовлари бўйича талабаликка қабул қилинаяптилар. Шунга қарамай, айрим ихтисосликлар борки, уларни тест саволлари орқали ифода қилиб бўлмайди, абитуриентлар билимларини аниқлаш қийин кечади. Санъатшунослик, жисмоний тарбия, шунингдек, шарқ фи ологиясидаги мутахассисликлар шулар жумласидан. Булардан ташқари, хитой, урду, япон тилининг ўзига хос иерогрифларини ифода қилишда баъзи мушкулликлар бор, араб алифбосидаги талаффузи қийин бўлган ҳарфларни тест орқали бажариш ҳам анча мураккаб. Шунинг учун ана шу мутахассисликлар бўйича ўқишга кирувчи абитуриентлар агар мактабда шарқ тилларини ўқиган бўлишса, тест синовлари топширмайдилар, ижодий имтиҳондан ўтадилар. Бундай пайтда абитуриентнинг талаффузига, нутқининг равонлигига, ҳарфнинг ёзилиши каби жиҳатларига эътибор берилади ҳамда бу жараёнда ҳам тестдаги сингари кўпбаллик мезонлари белгиланади.

Р. АҲМЕДОВ (Қоракўл тумани).

Савол: Ўтган йили тест саволларининг жавоби қаламда бажарилганди. Бу йил ҳам шун ай бўладими ёки ручкада ҳам белгилаш мумкинми? Чунки қаламда белгиланганларни таниш-билишчилик қилиб тўғриласа бўлади, деган шубҳа туғилиши мумкин.

— Ўринли савол. Кўпчиликдан тест марказига келаётган хатларда ҳам айнан ана шундай саволлар бор. Тест саволларини ручка билан ёки қалам билан белгиласа ҳам бўлади. Аммо олий ўқув юртлари ректорлари, мутахассислар билан кенгашилганда фақат қалам билан белгилаш тўғрисида Низом қабул қилинди. Негаки, қаламда белгилаш абитуриент учун қулайлик туғдиради. У, мабодо, саволни нотўғри белгилаб қўйса, ўчириб тўғрилаши мумкин.

И. МАТНАЗАРОВ (Хонқа).

Савол: Ҳозирги кунда ёшларимиз кўпроқ қайси соҳа ёки мутахассисликларга қизиқишмоқда.

— Ёшларимиз замон талабларига жавобан асосан янги турдаги мутахассисликларга — иқтисод, ҳуқуқшунослик, молия-кредит каби соҳаларга кириб ўқишга интилишмоқда. Табиий ва ижтимоий соҳа мутахассисликларига қизиқувчилар, педагогика институтларига кириб ўқиш ниятида бўлганлар ҳам кам эмас.

Р. ҲАБИБУЛЛАЕВ (Самарқанд).

Савол: Кундузги ва кечки-сиртқи бўлимларда тест синовларининг мажмуаси бир хилми?

— Олий ўқув юртларининг ҳамда техникумларнинг сиртқи ва кечки бўлимларида 30 июль куни бир вақтнинг ўзида тест синовлари бўлади. 5 августда эса кундузги бўлимларда ўтади. Сиртқи ва кечки бўлимлар учун алоҳида, кундузги бўлимлар учун алоҳида саволлар тузилган бўлиб, бири иккинчисига тушмайди. Яна бир гап — саволларнинг мураккаб ва енгиллиги хусусида: улар тўрт даражада тузилган — оддий, ўртача, мураккаб ҳамда ўта мураккаб саволлардан иборат бўлиб, мактаб дастуридан олинган.

Г. ОҚИЛОВА (Арнасой).

Савол: Ижтимоий билимлар тести ҳақида маълумот берсангиз.

— Ижтимоий билимлар тести жавоблар варақасининг бешинчи блокидан жой олган бўлиб, 48 та саволдан иборат. Яъни тарих ва география фанлари бўйича 24 тадан саволни ўз ичига олади.

Ч. РЎЗИЕВ (Пахтаобод).

Савол: Шартнома асосида тест синовлари топширадиганлар келишилган маблағни синовлардан олдин ўтказиши керакми ёки кейинми?

— Улар тест синовлари бўлиб ўтгунга қадар келишилган маблағни ўтказмайдилар. Тест синовларининг 50 фоизини муваффақиятли топширганлар сўнггина шартнома шартларини бажариш мумкин. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг низомига кўра шартнома тузувчи 2800 сўм маблағ ўтказади. Бу маблағ шартнома тузган кишининг ўзи учун ўқиш жараёнида сарфланади.

О. ТЎХТАЕВ (Бўка тумани).

Савол: Тест саволлари имтиҳондан неча кун олдин келтирилади ва жавоблари қачон айтилади?

— Тест саволлари барча институт ва техникумларда, вилоятлардаги институтларга ҳам имтиҳон ўтказилишидан бир соат олдин келтирилади ва махсус гуруҳ аъзолари иштирокида очилади.

А. АБДУҒАНИЕВ, ҳарбий хизматчи.

Савол: Хизмат бурчини ўтаётган зобит институтнинг кечки бўлимига ҳужжат топшириши мумкинми?

— Мустақил республикамиз қонунларида ёшларнинг илм олишлари учун барча шароит яратиш кўзда тутилган. Лекин зобит доимий хизматда бўлса, у ўз бурчини бажариши лозим. Мабодо, муқобил хизматда бўлса, у ҳолда зобит хизмат бурчини ўтаётган қисмнинг рухсатномаси билан ҳужжатлари қабул қилинади ва тестга киритилади.

Н. МУҲАММАДИЕВА (Конимех).

Савол: Тест синовлари жараёнида абитуриент нималарга жиддий аҳамият бериши лозим?

—Бу савол барча абитуриентларни қизиқтириши шубҳасиз. Аввало, тест синови вақтида ҳеч бир сабаб билан аудиториядан чиқишга, назоратчилар билан гаплашишга, тартиб-интизомни бузишга, бир-биридан қалам, ўчиргич ёки бошқа ёзув қуролларини сўраш, жазвар, микрокалькулятор, луғат-маълумотнома, ён дафтарча, бошқа воситалардан фойдаланишга, нусха олиш, суратга туширишга, бир-бирига ёрдамлашишга йўл қўйилмайди. Белгиланган тартиб

Август кенгашлари олдидан

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА РЕЙТИНГ

ёки хоразмлик маорифчилар тажрибасига бир назар

Президентимиз И.А. Каримов Ўзбекистон халқ депутатлари Олий Кенгашининг XV сессиясидаги нутқида: "Келажаги буюк давлат, энг биринчи навбатда, бўлажак фуқароларининг маданияти, маълумоти ва маънавияти ҳақида ғамхўрлик қилмоғи зарур", – деб алоҳида қайд этди. Бу фикр халқ таълими ходимларига бевосита тааллуқлидир. Чунки келажаги буюк давлатнинг эртаси, унинг истиқболи бўлган ёш авлод ҳозир болалар боғчаларида, мактабларда таълим-тарбия олмоқда.

Хўш, айни пайтда таълим-тарбия маданларида қандай ўзгаришлар юз бермоқда? Ана шу мақсадда биз таълим тизимидаги янгиликлар, кенг кўламда амалга оширилаётган тажриба-синовларнинг дастлабки якунлари билан танишиш учун Хоразм вилоятига йўл олдик. Очиғи, сафарга чиқиш олдидан натижалар кутгандан бир неча марта зиёдроқ бўлишини хаёлимизга ҳам келтирмаган эдик. Халқ таълими бошқармаси бошлиғи Мир Назарий вилоятда ўтказилаётган тест-синовлари ва рейтинг мезонлари ёрдамида ўқитувчилар ва таълим муассасалари фаолиятини баҳолашга оид турли ҳужжатларни стол устига дастурхон каби ёзганида, буни одатдаги қоғозбозлик намунаси деб ўйлагандик. Бироқ мактаблар, боғчалар, билим юртларига бориб ўқитувчи, тарбиячи, ишлаб чиқариш усталари билан мулоқотда бўлгач, олдиндан ўзимизча янглиш хулосага келганимизни англадик.

Хўш, Хоразм вилояти маорифчилари бошлаган янгиликнинг моҳияти нимадан иборат? Ўқитувчилар тест усулида синовдан ўтказилганими? Ёки 20 – 25 кўрсаткич бўйича мактаб, боғча, ҳунар-техника билим юртлари ишига рейтинг баллари берилганими?

Бир қарашда бу янгиликлар таълим тизимида олиб борилаётган ишларнинг бир бўлагидек кўринади. Аслида-чи?

Ота-боболаримиз "Юз марта эшитгандан бир марта кўрган маъқул", дейишган. Шу мақолга амал қилиб, биз ҳам Мир Полвонович олдимизга ёзган "дастурхон"даги рақамларни "сўзлатишга" қарор қилдик. Шу мақсадда азим ва навқирон Хоразм воҳасининг Қўшкўпир, Янгиариқ, Урганч туманлари, Урганч, Хива шаҳарларидаги қатор таълим муассасаларида бўлиб, ўқитувчи ва тарбиячилар, муассаса раҳбарлари билан суҳбатлашдик.

Вилоят халқ таълими бошқармаси ҳайъатининг 1993 йил май ойида қабул қилган қарорига асосан вилоятнинг барча умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасаларида ўқув йилининг охирида педагоглар ўз ихтисосликлари бўйича тест-синовларидан ўтказилди. Бу ишларни вилоят халқ таълими бошқармаси, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари қошида тузилган нуфузли комиссиялар амалга оширдилар.

Комиссия томонидан, аввало, ўқитувчининг меҳнат фаолиятига 15 кўрсаткич бўйича баҳо берилиб, рейтинг баллари белгиланди. Таълим муассасалари эса ўз жамоа аъзоларининг олган рейтинг баллари ва махсус ишлаб чиқилган 26 кўрсаткич (таълим-тарбиянинг аҳволи, кадрлар билан таъминланиш, юқори ташкилотлардан келган буйруқ ва йўриқномаларнинг бажарилиши, хўжалик фаолияти ва бошқалар) бўйича баҳоланди.

Таълим муассасаларида меҳнат қилаётган 27067 нафар педагогдан 25000 га яқини тест синовларидан ўтказилди ва рейтинг мезонлари асосида баҳоланди. Бунда ўқитувчининг ўқувчиларга таълим-тарбия беришининг алоҳида кўрсаткичлари, ўқувчиларнинг билим даражалари, ўқитувчининг жамоат ишларида ва турли тадбирларида қатнашганлиги, синф раҳбарлиги, синф хонаси ёки ўқув кабинетининг жиҳозланиши, рағбатлантиришлар ва жазолар, ўз тарбиясидаги ўқувчилар содир қилган қонунбузарликлар ва ўқитувчи фаолиятининг бошқа кўплаб томонлари инобатга олинди.

1993-94 ўқув йилининг якунига мувофиқ мактабларда ишлаётган 1286 нафар ўқитувчи энг юқори балл тўплаб, "Йилнинг энг баланд рейтингли ўқитувчиси", деган унвонга сазовор бўлди.

Тест-синовлари ва рейтинг бўйича паст балл олган ўқитувчилар учун Қурбонбой Нуримов раҳбарлик қилаётган вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти қисқа муддатли ва сайёр курслар ташкил қилди. Муаллимнинг ўз касб маҳорати ва билим даражасини ошириш учун тўлиқ имкониятлар яратилди. Ўтган ўқув йилида бундай курсларда 7860 нафар ўқитувчи ўз малакасини оширди.

Таълим муассасаларини рейтинг мезонлари орқали баҳолашда 450 мактаб қатнашди. Шулардан 15 та мактаб юқори натижага эришиб, рейтинг синовида вилоятда пешқадам бўлди. Урганч шаҳридаги 20, 21-, Янгибозор туманидаги 1-, Гурлан туманидаги 5-, Шовот туманидаги 4-, Янгиариқ туманидаги 24-, Хонқа туманидаги 45-, Қўшкўпир туманидаги 39-, Боғот туманидаги Феруз номидаги мактаблар шулар жумласидандир.

Вилоят бўйича барча мактабларнинг рейтинг бўйича олган баллари умумлаштирилиб, таҳлил қилинди ва шаҳар, туман халқ таълими бўлимларига юборилди. Натижалар туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирокида муҳокама қилинди, чора-тадбирлар белгиланди.

Рейтинг мезонлари бўйича паст кўрсаткичларга эришган 35 нафар мактаб раҳбари, 6 нафар боғча мудираси эгаллаб турган лавозимидан четлатилди. Халқ таълими муассасаларининг 70 нафар раҳбари огоҳлантириш ва ҳайфсан олди.

Тест ва рейтингни ўтказишдан мақсад ўқитувчи ёки раҳбарларни жазолаш эмас, уларнинг ўз вазифасига масъулиятини оширишдир. Башаранг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама, дейди халқимиз. Биз вилоятда бўлганимизда таълим ходимларининг аксарияти янгиликни яхши қабул қилганликларининг, ўз вазифаларига масъулият билан ёндашаётганликларининг гувоҳи бўлдик.

Туман, шаҳар халқ таълими бўлимларининг меҳнат фаолияти 10 та кўрсаткич бўйича диагностик таҳлил қилинди. Қўшкўпир, Боғот туманларининг, Хива шаҳрининг рейтинг кўрсаткичлари юқори эканлиги таҳсинга сазовордир.

Бироқ, беш бармоқ баробар бўлмаганидек, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлаган янгиликни ҳамма ҳам қучоқ очиб ку иб олгани йўқ. Энг аввало, рейтинг кўрсаткичлари паст бўлган баъзи ўқитувчилар, раҳбарлик маҳорати "тош босмаган" айрим директор ва мудирларнинг кўнгиллари тўлмади. Тест-синовлари натижаларидан норози бўлганлар учун туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари қошида низолар (аппеляция) комиссиялари тузилганида, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

– Тест ва рейтинг мезонларини ўз иш фаолиятимизда қўллаш яхши натижаларга олиб келишига ишонамиз, – дейди М. Назарий. – Бизнинг тизимимизда, умуман, таълим соҳасида қилинган меҳнатнинг натижасини бир-икки кунда ёки бир-икки ойда аниқлаб бўлмайди. Бунинг учун йил ар керак. Энг асосийси, биз улкан ва масъулиятли юкни елкамизга олдик ва уни охиригача етказамиз.

Бошқарма бошлиғи янгиликнинг баъзи жиҳатларини куйиб-пишиб тушунтирди, саволларимизга аниқ-равшан жавоб берди. Унинг раҳбарлигида бошланган янгилик таълим ходимларини ўз ишларига ижодий ёндашишга, касб маҳоратларини мунтазам ошириб боришга ундайди, албатта.

Янгиликнинг қаноти бор, дейишади. Халқ таълими вазирлиги хоразмлик маорифчилар ташаббусини бутун республикамизга ёйиш мақсадида яқинда вилоятда республика илмий-амалий анжуманини ўтказди. Барча вилоятлардан келган халқ таълими бошқармаси бошлиқларининг муовинлари, ўқитувчилар малакасини ошириш ва педагогика институтлари вакиллари икки кун давомида вилоят таълим муассасаларида бўлиб, янгилик натижаларини амалда кўрдилар, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Таъбир жоиз бўлса, бугунги кунда биз инқилобий ўзгаришлар даврида яшаяпмиз. Халқ таълимини амалий жиҳатдан ривожлантириш, унинг бошқариш услуб ва шаклларини такомиллаштириш, эски мезонлардан воз кечиш ҳам ўзига хос инқилобдир. Шу жиҳатдан қараганда, Хоразм вилояти халқ таълими ходимлари бошлаган янгилик ҳам туб ўзгаришлар йўлида қўйилган муҳим бир қадамдир.

Нурали ЖАЛИЛОВ.
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ўрта умумтаълим мактаблари бош бошқармаси мутахассиси.

ЁШ ЎҚИТУВЧИ МАКТАБГА КЕЛДИ

Маълумки, икки йилдан буён республикамиздаги мавжуд олий ўқув юртларига абитуриентлар тест синовлари асосида қабул қилинмоқда. Бу янги усул ота-оналарга ҳам, ёшларга ҳам маъқул келмоқда. Дарҳақиқат, аввалари педагогика институтлари талабалари сафида педагог касбига мойиллиги бўлмаган "тасодифий" йигит ва қизлар учраб турган бўлса, эндиликда тест синовлари бу ҳолнинг барҳам топишига имкон яратди.

Шунингдек, илгарилари ҳар бир педагогика институтида қабул режаси белгиланарди. Яъни ҳар бир вилоят бўйича кириш имтиҳонлари натижаларидан қатъи назар қабул қилиниши зарур бўлган абитуриентлар миқдори аниқланар эди. Мақсадли қабул Ўзбекистоннинг муайян ҳудуди бўйича педагог кадрларга бўлган эҳтиёжни тўлароқ қондириш имконини берарди. Бироқ бу ҳолда аксарият кирувчиларнинг сифат таркиби, уларнинг тайёргарлик даражаси талаб этилгандан анча паст бўларди. Талаба танлашда тест синовларининг киритилиши етарли даражада юқори билимга эга бўлган йигит ва қизларни танлаш, пировардида эса, улардан малакали ўқитувчилар тайёрлаш имконини берди.

Эндиликда биз халқ таълимининг барча ўқув-тарбия муассасаларини янада сифатли педагоглар билан таъминлаш имкониятига эгамиз.

Ҳозирги кунда халқ таълими вазирлиги тизимидаги таълим муассасаларида ишлаётган 500 минг педагог ходимнинг 487 минг нафари бевосита болаларни тарбиялаш ва ўқитиш билан банд. Педагог кадрлар билан таъминланганлик умуман қаноатланарли бўлгани ҳолда Тошкент шаҳри, Навоий, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг айрим туманларидаги мактабларда ўқитувчилар етишмаётир. Айни пайтда республикамиздаги кўплаб илм масканларида жисмоний тарбия, чет тили, она тили ва адабиёти ўқитувчиларига эҳтиёж катта бўлмоқда.

Педагоглар сафи асосан 12 университет, 7 пединститут, республика жисмоний тарбия ва спорт институтини битирган олий маълумотли битирувчи ёш мутахассислар ҳисобига тўлдирилмоқда. 33 педагогика билим юртида ва 3 индустриал-педагогика техникумида ўрта махсус маълумотли тарбиячилар, бошланғич синф, меҳнат, жисмоний тарбия, тасвирий санъат ўқитувчилари ва ҳунар билим юртларининг ишлаб чиқариш таълими усталарини тайёрлаш ҳам шулар жумласидан. Булардан 6 педагогика институти ва 36 ўрта махсус педагогика ўқув юрти Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидадир. Жорий йилда уларда педагогик мутахассисликлар бўйича 17 мингдан зиёд мутахассис тайёрланди ва таълим муассасаларига юборилди.

Юртбошимиз ибораси билан айтганда, келажаги буюк Ўзбекистон давлатини бугунги ўқувчилар ва талабалар бунёд этадилар. Мустақил Ўзбекистоннинг эртанги куни бугун боғчаларда ва мактабларда таълим-тарбия қай тарзда йўлга қўйилганлигига боғлиқ. Шарқда қадимдан ўқитувчи-муаллим касби улуғланган, муаллимларга юксак эҳтиром билдирилган. Бизнинг давримизда ҳам бу масалага катта аҳамият билан қаралаяпти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари бунинг ёрқин мисолидир. Мустақил Ўзбекистон Президентининг 1991 йилдаги биринчи Фармонлари педагог ходимларнинг ижтимоий-маиший шароитини яхшилашга йўналтирилган бўлиб, ўқитувчиларнинг иш ҳақини ошириш, коммунал хизмат учун имтиёзлар киритиш, квартираларни текин хусусийлаштириш, ер-участкалари ажратиш ва биринчи навбатда уларни қурилиш ашёлари билан таъминлашдан иборат эди. Жорий йилда педагог ходимлар имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига ҳам эга бўлдилар. Педагог меҳнати муносиб равишда ҳукумат ва тармоқ мукофотлари билан тақдирланмоқда.

Ҳозирги кунда таълим тизимида 33 нафар халқ ўқитувчиси, 488 нафар хизмат кўрсатган халқ таълими ходими бор. Муаллимларимизнинг 239 нафари Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғи билан, 32 нафари Қори-Ниёзий медали билан, 12 мингдан зиёди халқ таълими ва ҳунар-техника таълими аълочиси нишони билан тақдирланган. Шунингдек, таълим-тарбия борасида катта тажрибага эга бўлган ўн нафар фидойи мураббийларимиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра биринчилар қаторида Ўзбекистон Республикасининг "Соғлом авлод учун" ордени билан мукофотландилар.

Бозор иқтисодига ўтиш шароитида муаллимларни, айниқса, ёш муаллимларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида Ўзбекистон Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамкорликда қўшма тадбир ишлаб чиқди. Унга биноан олий ва ўрта махсус ўқув юртлари йўлланмаси билан таълим муассасаларига ишга жойлашаётган битирувчиларга, улар билан меҳнат шартномаси (битим) тузилгандан сўнг халқ таълими бўлимлари томонидан тайинланган жойларга етиб келиш учун сарфланган барча харажатлар тўланади, халқ таълими бўлимларининг ишга жойлашганлик тўғрисидаги тасдиқномаси бўйича олий ва ўрта махсус ўқув юртлари уларга дипломларини топширадилар. Шунингдек, ёш муаллимларга жойларга етиб келиши билан тажрибали педагог-мураббийлар бириктирилмоқда. Янгитдан меҳнат фаолиятини бошлаётган мутахассисларга уй-жой бериш ва маиший шароитлар яратиш халқ таълими бўлимлари ҳамда ҳокимиятларнинг доимий эътиборида.

Ёш педагоглар билан ишлаш бўйича халқ таълими бўлимларига ҳам масъулиятли вазифалар юклатилмоқда. Вазирлик ёш педагоглар билан ишлаш бўйича қатор тадбирлар ишлаб чиқди ва жойларга юборди, ёш ўқитувчиларнинг доимий ишда қолишини таъминлаш бўйича тавсияномалар ва таклифлар ҳам берилди.

Жумладан, 15 августгача, яъни битирувчилар ишга тайинланган жойларга етиб келгунларига қадар, халқ таълими бўлимлари ўқув-тарбия муассасалари билан биргаликда уларнинг ҳар бири учун ҳафталик педагогик дарс соати ҳажми, иш ҳақи миқдори, иш шароитини аниқлашлари ҳамда ёш муаллим етиб келиши биланоқ бу ҳақда уларга маълум қилишлари, шунингдек, 10 сентябргача мактаблар, мактабгача тарбия ва мактабдан ташқари муассасалар, ҳунар билим юртлари раҳбарлари уларга мураббий сифатида тажрибали педагогларни бириктиришлари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ҳокимиятлар билан биргаликда ёш педагогларга турар жой ажратиш ва маиший шароитларни яратиш масалаларини ҳал этишлари, 1 сентябргача таълим муассасалари раҳбарлари ёш муаллимлар билан меҳнат шартномаси, яъни битим тузишлари ҳам кўзда тутилган.

Республикамиз мустақилликка эришгач, ҳам ҳуқуқий, ҳам маънавий ва маданий, байналмилалчи, ватанпарвар ёшларни тарбиялаб вояга етказишдек муҳим масала педагогларимиз олдига ҳам кўндаланг қилиб қўйилди. Бас, шундай экан, давр талабига ҳамоҳанг, ҳозиржавоб бўладиган ёшлар бугун мактабларимиз, илм масканларимиз сари дадил қадам ташлаб бормоқда. Эски, бир хил андозалардан воз кечиб, ёш муаллимларга кераклича шарт-шароит яратиб бериш, лозим бўлганда масъулиятни ҳис этиб, уларга ёрдам қўлини чўзиш, ўзини педагог деб билган, шу касб кетидан рўзғор тебратиб, оила боққан ҳар бир муаллимнинг шарафли бурчидир. Ўтмиш аждодларимиз маънавият ва маърифат йўлида ҳар нарсага ҳам тайёр турганликларини яна бир бор эсласак, нур устига аъло нур бўларди.

Биз мактабга ишга келаётган ёш ўқитувчини шундай қарши олайликки, у бу воқеани узоқ йиллар мамнуният билан эслаб юрсин. Энг муҳими, меҳнат фаолиятининг илк дамларида ҳар хил майда-чуйда ташвишларга ўралашиб қолмасин, балки мустақил равишда иш бошлаши биланоқ бор билимини, куч-ғайратини ёш авлодга том маънода таълим-тарбия беришдек улуғ мақсад йўлида сарфласин.

Фарид КУЧУКБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги кадрлар бошқармаси бошлиғининг муовини.

Ўрганинг, татбиқ қилинг!

МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА МИЛЛИЙ ТАРБИЯ

Айрим мутахассислар математика аниқ фанлар мажмуасига киради, уни ўқитишдан мақсад, фан ҳақида билим беришдир, деган ғояни илгари сурадилар. Ҳолбуки, ҳар бир муаллим астойдил изланса, ўз ишига ижодий ёндашса, барча фанларни ўқитиш жараёнида бўлганидек, математика дарсларида ҳам ватанпарварлик, байналмилал, эстетик ва миллий тарбияни амалга ошириши мумкин. Қуйида биз ўзимизнинг бу борадаги иш тажрибамиз билан ўртоқлашмоқчимиз.

Ўрта мактабнинг 6-синфида алгебра дарсининг дастлабки соатларини математика тарихига бағишлаш мақсадга мувофиқдир. Бунда "алгебра" сўзининг келиб чиқиши ва луғавий маъноси ҳақида атрофлича маълумот берилади. Шунингдек, ўқувчилар ҳар бир дарсда таниқли ўзбек олимлари фаолияти билан танишиб боришади. Масалан, Абу Абдулло Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783-847 йиллар)нинг хизмати беқиёсдир. Алломанинг "Зижи" ("Астрономик жадвал"), "Ҳисоб ал-ҳинд" ("Ҳинд ҳисоби") каби асарлари математика фани ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди. Айниқса, "Фи ҳисоб ал-жабр ва алмуқобала" ("Тиклаш ва рўпара қўйиш") асари алгебра фанининг дунёга келишида катта аҳамият касб этди.

Хоразмий "Ҳинд ҳисоби" асари билан бутун дунёга биз араб рақамлари деб юритадиган рақамларни ва уларга асосланган ўнли позицион ҳисоблаш тизимини тарқатди. Ҳисоблашда Рим рақами ва сонларни сўз орқали ёзишдаги ноқулайликларни бартараф қилди, ҳисоблашни ихчамлаштирди. Фанга алгоритм тушунчасини киритди. Олимнинг арифметик асарини ўрганиб, шу асосда ёзилган китобларда ал-Хоразмий сўзи "альхорезмус", "алгоризмус", "альгоритмус" каби кўринишларда қўлланилиб, "алгоритм" шаклини олди. Бинобарин, ал-Хоразмий ижодига тўхталганда, ҳозирги даврнинг янги фани "Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари"га эътибор бериб, ЭҲМлар учун зарур бўлган алгоритм Хоразмийга боғлиқлиги ҳақида гапириш мумкин. Шу билан бирга, дарс давомида машҳур ёзиётчилар Абул Аббос Фарғоний (IX аср), Абул Вафо (940—998 йиллар), Абу Райҳон Беруний (973—1048 йиллар), ибн Сино (980—1037 йиллар), Умар Хайём (1048—1122 йиллар), Насриддин Тусий (1201—1274 йиллар), Улуғбек (1394—1449 йиллар)ларнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида фикр юритиб, ўқувчилар онгида аждодларимизга муҳаббат туйғуларини уйғотиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Айниқса, бу йил 600 йиллиги нишонланадиган Улуғбек ва у яратган "Самарқанд академияси", унда амалга оширилган илмий ишлар, ўнли касрларнинг яратилиши ва П(пи) сонининг ҳисобланиши ҳақида гапириб, темурийлар йиққан 150 минг жилдли кутубхона ҳақида маълумот берсак, янада яхши бўлади.

Геометрия фанининг биринчи соатини ҳам унинг тарихига бағишлаб Архимед, Пифагор, Эвклидларнинг илмий ишлари билан бирга буюк аллома Берунийнинг бой илмий мероси "Ал-осорул боқия" (Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар), "Геодезия", "Ҳиндистон", "Китоб ат-тавҳим ли саноъат ат-танжим" (Юлдузшунослик санъати негизларини тушунтириш китоби), "Қонуни Маъсудий" фи ҳайат-ва-нужум" (Астрономия ва юлдузлар бўйича Маъсуд қонуни) каби асарларига тўхталиб ўтиш жоиз.

Беруний дунёда биринчи бўлиб ернинг думалоқ, шунингдек унинг радиуси 6400 км эканлигини аниқлади.

Абу Али ибн Сино ҳам "Шифо китоби"нинг геометрияга доир бобларида 77 таъриф, 7 постулат, 5 аксиома, 255 жумла (теорема) орқали математик фикрларни баён қилиш мумкинлигини ёзади. Ибн Синодек буюк табибнинг геометрия соҳасида ҳам қалам тебратгани ўқувчилар қалбида ғурур ва ифтихор туйғулари уйғотиши табиийдир.

Геометрия дарсларида ўқувчиларга Ўзбекистонда мавжуд тарихий обидаларга нақш солинганда мунтазам кўпбурчаклардан бевосита фойдаланилганлигини тушунтириб, чирих (чигал, тугун) нақши (мураккаб геометрик нақш) ҳақида маълумот бериш фойдали.

II-синфда куб ва шарга тааллуқли мавзуларни ўтганда ўқувчиларга ўз ғўзаллиги, сервиқорлиги билан дунёга машҳур Исмоил Сомоний мақбараси, мусулмончилик дунёсининг йирик зиёратгоҳларидан бири Аҳмад Яссавий мақбарасининг қурилиши тарихи ҳақида маълумот бериш улар фикрини янада бойитади. Исмоил Сомоний мақбараси IX-X аср меъморчилик ёдгорлиги бўлиб, уни бунёд этишда усталар ўзларининг юксак истеъдодларини кўрсатишган. Бинонинг асосини куб ва унга тўнтарилган тоқ (ярим сфера) ташкил этади. Девордаги квадратларнинг ўзига хос жойлашиши бинога янада жозиба киритган.

Имконият даражасига қараб ўлчамлари куб шаклида бўлган, устига гумбаз (ярим сфера) тўнкарилган XIV-XV аср ёдгорлиги — Аҳмад Яссавий мақбараси, уни машҳур саркарда Амир Темур бунёд эттирганлигини айтиб, тарихий маълумотларга мурожаат этсак, ўқувчилар онгида фақат ҳарбий юришлар эмас, балки йирик давлат тузиб, сиёсий-иқтисодий ислоҳотлар қилиб, Туркистон ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган Амир Темур ҳақида атрофлича тасаввур пайдо бўлади.

Биз цилиндр, шар, паралеллепипед мавзуларини ўтганда Бухоро тарихида ўзига хос ўрин тутадиган Арк биноси, конус мавзусини ўтганда эса, Минораи Калон ҳақидаги маълумотлардан фойдаланяпмиз.

Шунингдек, геометрия дарслари давомида ҳар бир соатдаги мавзуга қараб Самарқанддаги Шоҳизинда ансамбли, Гўри Амир мақбараси, Амир Темур жомеъ масжиди, Тошкентдаги Кўкалдош, Барокхон мадрасалари, Зангиота зиёратгоҳи, Бухородаги обидалар, Баҳовуддин Нақшбанд зиёратгоҳи, Хива, Кўқон, Шаҳрисабздаги тарихий обидалар, Вобкентдаги тарихий минора, Ғиждувондаги Улуғбек мадрасаси каби меъморчилик дурдоналарининг суратларини намойиш қилиб, ундан мазкур мавзуларга мос келадиган геометрик фигураларни топиб, имкониятимизга қараб обидалар тарихи, уларнинг тутган ўрни ҳақида ҳикоя қилиб берямиз. Масала ечганда эса уларни юқоридаги биноларнинг ўлчамларидан фойдаланиб тузаяпмиз. Ҳар бир чорак охиридаги таътиллар пайтида ўқувчиларга Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби шаҳарлар меъморчилик обидаларидан ташкил топган альбом тайёрлаш, бу альбомнинг бир бетида обида сурати, иккинчи бетида эса унинг геометрик шакли ёки унда қўлланилган фигураларни чизиш ва иложи бўлса бу бинонинг ўлчамларини ҳам ёзиб келишни топшириб, иш якуни бўйича ўқувчиларни баҳолаш тажрибасини қўллаётганимиз ўқувчиларда миллий онг, миллий руҳ тарбиясига салмоқли таъсир кўрсатаётир.

Исмоил САЛОМОВ,
Ғиждувон шаҳридаги 2-ҳунар-техника билим юртининг биринчи тоифали математика ўқитувчиси.

ЎЛКАШУНОСЛАР

Яқинда республикамиз мустақиллигининг уч йиллиги олдидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда республика ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар Марказининг ташаббуси билан Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида ўқувчиларнинг тоғ-сайёҳлик маҳоратлари бўйича мусобақаси ўтказилди. Унда республикамиз вилоятларининг барча туманларидан ҳамда Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидаги мактаблардан ўқувчилар иштирок этдилар.

Бир неча кун давом этган ана шу мусобақада ўқувчилар мактабда олган билимлари, ўлкашунослик борасида орттирган тажрибаларини намойиш этдилар.

– Тоғ-сайёҳлик маҳорати бўйича ўтказилган мусобақалардан мақсад, аввало, ўқувчилар ўртасида саёҳатчиликни янада ривожлантириш, уларни табиатни асраб авайлашга ўргатиш, шунингдек, маҳаллий жой, қадимий сайёҳлик йўллари билан таништириш, ўқувчилар саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда кучли болалар сайёҳ гуруҳларини аниқлашдан иборатдир, – дейди республика ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар маркази бош директори Ш. Назаров.

Умумий гуруҳлар ҳисобида Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилоятидан келган ўқувчилар ғолибликни қўлга киритишди. Улар қимматбаҳо совғалар, фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар

Суратларда: мусобақалардан лавҳалар.

Маҳалла — тарбия ўчоғи

ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишга қурби етади. Нега деганда, энг адолатли ижтимоий шароит, вазият фақат маҳаллада бўлиши мумкин. Ҳеч бир корхона, ҳеч бир давлат идораси ёки жамоат ташкилоти бу борада маҳалла билан тенглаша олмайди. У ерда ҳаёт тажрибаси катта, заминга яқин, кўпни кўрган, барча ишни жой-жойига қўя оладиган фидойи одамлар яшайди ва ишлайди.

Ислом КАРИМОВ.

Барча маҳаллаларда "Маҳалла" дастури асосида ўз иш режаси — Низоми ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунда дастурга биноан маҳаллаларда мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлигида талай тадбирлар амалга оширилаётир. Мухбиримиз Шайҳонтоҳур туманидаги "Наврўз" маҳалласида бўлиб, у ерда амалга оширилаётган тадбирлар, хусусан, ёшлар тарбияси ҳақида маҳалла оқсоқоли, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Олимжон Ортиқов ва 186-мактаб директори Жамолиддин Эшбоев билан суҳбатлашди.

— Олимжон ака, ёшларнинг одобли, ахлоқли бўлиб камол топишида оила, мактаб ва маҳалланинг ҳамкорлиги катта аҳамиятга молик. Ёшлар яхши фазилатларни, аввало маҳалладан, аниқроғи, ота-она, қўни-қўшнидан ўрганадилар. Зеро, маҳалла — эзгулик бешиги, чинакам тарбия ўчоғи, деб бежиз айтилмаган. Карвонсиз йўл бўлмас, оқсоқолсиз эл бўлмас, деганларидек, маҳалла оқсоқоли сифатида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб берсангиз?

— Эртанги кунимиз, халқимизнинг фаровонлиги, тинчлиги, осойишталиги ўз қўлимизда, биз тарбиялаб вояга етказаётган фарзандларимиз қўлидадир. Шундай экан, биз уларни ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган урф-одатларга садоқат, каттани ҳурмат, кичикни иззат қилиш руҳида тарбиялашимиз, онгларига бировнинг дилини оғритмаслик, ўзгалар мулкига кўз олайтирмаслик, меҳр-оқибат, саҳоватпешалик каби олижаноб фазилатларни сингдиришимиз лозим.

Баъзан ҳеч жойда ўқимай, ишламай саёқ юрган, тунлари кишилар осойишталигини бузаётган ўсмирларни кўриб ҳайрон қоласан, киши. Ачинарли томони шундаки, уларни ота-оналари тергамайдилар. Фарзандлари қаерда, нима иш билан шуғулланаётганига бефарқ қарайдилар. Ҳолбуки, дилбандининг келажаги, қандай инсон бўлиб вояга етиши, аввало, ҳар бир ота-онани ташвишлантириши, сергаклантириши керак.

Биз маҳалла фаоллари ва мактаб педагогик жамоаси ҳамжиҳатлигида тарбиявий ишлардаги шу нуқсонларга барҳам бериш юзасидан айрим ютуқларга эришдик.

— Бу ҳамкорлик эвазига маҳаллангизда ножўя ишлар билан шуғулланувчи безорилар, милиция ҳисобида турган ўсмирлар сони ҳам сезиларли даражада камайган бўлса керак...

1992 йилгача шундай ўсмирлар сони етти нафарни ташкил этарди. Маҳалла ҳамда Ҳабиб Турсунов номидаги 186-мактабнинг тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари Дилором Бердиева бошчилигидаги педагогларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида болалар миршаб рўйхатидан чиқарилди.

Б. исмли 6-синф ўқувчиси шўхлик ва безориликда ном чиқарган, майда ўғирликларга ҳам қўл урганди. Бир гуруҳ 5—6-синф ўқувчилари эса мактабнинг тарбияси бузуқ собиқ ўқувчилари таъсирида кўчаларда портловчи моддаларни отиб, бебошлик қилиб юришганди. Маҳалла фаоллари ва мактаб ўқитувчилари иштирокида икки кун мобайнида тунги рейд ўтказилди. Натижада ўша болалар ушланиб, ота-оналари билан хотин-қизлар кенгаши ҳамда маҳалла оқсоқоли маслаҳатчиси Соат ака Эргашев иштирокида муҳокама қилинди. Улар ўз айбларини тан олиб, бундан буён номақбул ишларга қўл урмасликка ваъда беришди.

Биз ҳар ойда милиция ва прокуратура ходимлари билан учрашувлар ўтказиб турамиз. Жумладан, участка инспектори, милиция лейтенанти Камол Махсумов ва ёшлар билан шуғулланувчи инспекция ходими Ҳолбой Ширинов иштирокида турли суҳбатлар уюштирамиз.

— Нохушликлар кўпинча бекорчиликдан келиб чиқади. Шундай экан, ёшларни касб-корга ўргатиш, фойдали ишларга жалб этиш борасида қандай ишлар қилинмоқда?

— Ҳудудимиздаги Ҳабиб Турсунов номидаги мактаб қошида эркаклар кўйлаги тикиш билан шуғулланадиган "Ливентул" ишлаб чиқариш корхонаси бор. Унга 100 дан ортиқ 9-синфни битирган қизлар жалб этилган. Корхона мактабни таъмирлашга 2 миллион 800 минг сўм-купон ажратди. Мактаб болаларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун эса юмшоқ ўйинчоқлар, рассомлик, фото, мусиқа, спорт каби тўгараклар мунтазам фаолият кўрсатаётир.

Маҳалла маданий марказида очилган "Эркин" кичик корхонасида болалар радио-телевизор тузатишни, қизлар бичиш-тикишни ўрганишади. Маҳалламизда яқин-яқинларгача дурадгорлик ва кўнчилик билан шуғулланувчилар бўларди. Лекин ҳозирги кунда бундай ҳунармандчилик ишларини ёшларга ўргатиш учун тахта-ёғоч ва ишқор топиш муаммо бўлиб турибди.

— Бола тарбиясида ибрат олса арзийдиган оилалар ҳақида ҳам гапирсангиз...

— Қутбиддин ҳожи буванинг ўн бир фарзанди меҳнатсеварлиги, хушмуомалалилиги, камтар ва одамийлик фазилатлари ила эл ҳурматига сазовор бўлмоқда. Ўғиллари Фахриддин, Камолиддин — "Усто" бирлашмасида ганчкор, Қамариддин, Зуҳриддин — автослесар, Фазлиддин халқ хўжалиги университетининг IV курс талабаси; қизлари Шоҳиста, Муҳаббат политехника институтида, Шодия Тошкент давлат университетида, Муҳаррам медицина билим юртида, Мўътабар эса мактабгача тарбия билим юртида таҳсил олишиб, халқ хўжалигининг турли жабҳаларида сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Қутбиддин ҳожи бува ва Оҳиста аяларни фарзандларнинг барчасини уйли-жойли қилиб, бахт-саодатга эриштирган ҳақиқий жаннати одамлар дейиш мумкин.

— Бозор иқтисодига ўтиш муносабати билан мактаб ёшидаги болалар бозорда чайқовчилик билан шуғулланишяпти. Кўпчиликни ташвишлантираётган бу масалага қандай қарайсиз?

— Президентимиз Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси кенгашида давлат дўконларида маҳсулотларни сотишни тартибга келтириш ва мактаб ўқувчиларининг чайқовчилигига барҳам бериш ҳақидаги кўрсатмалари юзасидан ота-оналар билан тушунтириш ишлари олиб бордик. Айни чоғда бозорларда, кўча-кўйларда савдо билан шуғулланаётган болалар кўринмай қолишди.

— Рухсатингиз билан мен ҳам икки оғиз ўз фикримни қўшимча қилсам, — деди мактаб директори Жамолиддин Эшбоев. — Тарбия ҳақида, хусусан, бола тарбияси борасида гап борар экан, ўзимнинг ижобий самара бераётган тажрибам ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Мен мактабда бирон ножўя хатти-ҳаракати сезилган ўқувчининг ота-онасини дарҳол чақиртираман. Уларнинг ишхонасига хат юбораман. Ота-онаси келгунича болани мактабда олиб қоламан. Сўнгра биргаликда чора кўрамиз. Шу билан улар иккинчи бор номаъқул ишларга қўл урмайдилар. Энди ўқувчиларни чайқовчиликдан қайтариш ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало, болаларнинг ота-оналарини тарбияламоқ даркор.

Яқинда "Бозор операцияси" рейдида иштирок этдим. Ё, алҳазар, ота-оналарнинг ўзлари болаларига олди-соттини ўргатяптилар. 18 ёшга тўлмаган болаларга ҳам рухсатнома берилганига нима дейсиз! Ажабланарли томони шундаки, солиқ инспекцияси томонидан берилаётган рухсатномага 2—3 кишининг расми ёпиштирилиб, муҳр босилган. Болаларнинг чўнтакларидан чиқаётган пулларни кўриб ҳайрон қоласан, киши...

Айрим ота-оналар ўзлари чойхонада мазза қилиб ўтириб, 7-10-синфда ўқийдиган фарзандларини савдога қўйганлар. Рухсатнома ота номидаю, савдода фарзандлар. Демак, болаларни савдо-сотиқдан қайтариш учун аввало ота-оналар билан алоҳида ишлаш, улар орасида тушунтириш ишлари олиб бориш лозим. Сўнгра ота-оналар ҳамда маҳалла билан ҳамкорликда фарзандларни тарбиялашимиз зарур. Биз шуларни назарда тутиб, мактабимиз жамоаси, ота-оналар ва маҳалла қўмитаси биргаликда халқ таълими ва ҳуқуқ-тартибот ходимларига, маҳалла оқсоқоллари ҳамда ота-оналарга мурожаат қабул қилдик.

Бошлаган ишимизни охиригача давом эттириш учун ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга аҳд қилдик. Бу, шубҳасиз, кўзлаган мақсадга эришишимизга ёрдам беради.

Суҳбатдош Дилбар ХЎЖАЕВА.

Сафар БАРНОЕВ

ЮРТБОШИ

(БОБОМНИНГ ДЕГАНЛАРИ)

Оддийгина умримни қилар бўлсам сарҳисоб,
Неча дўст,
Неча ағёр,
Неча ётларни кўрдим.
Ҳар бири менинг учун ўқилмаган бир китоб,
Ярми жим,
Ярми ғамгин,
Ярми шодларни кўрдим.
Кўрди-мей,
Қуёш ғарбдан чиқиб ғарбга ботганин,
Боболарим қонига чайилган тонг отганин,
Маскопдан жўнатилган ёрти обидандонга
Тамшаниб,
Йигитларин сотган зотларни кўрдим.
Кўрдим, минг бор турланиб,
Шайтонга дарс берганни.
Қўли кўксида бўлиб,
Шайман дея турганни,
Кўрмаган доим енгиб,
Ҳор қилганин кўрганни,
Юракда зардоб ютган,
доду додларни кўрдим.
Кимдир молин пуллади,
Кимдир жонин пуллади,
Ёлғон дарахтин гули
гуллагандан гуллади.
Ўз эгасин тополмай
чопган отларни кўрдим.
Ёлчийдиган кун борми,
Юракда армон эди.
Оғзи бирлик деган сўз
тилакда армон эди,
Шу қўл ўзимникими,
билакда армон эди,
Отмаган тонг бағрида,
не бунёдларни кўрдим.
Билардим, ўзбекнинг ҳам
ўғлонлари бор эди,
Амир Темурни кўриш,
дилда ифтихор эди.
Ким унинг ёди билан
юрса бахтиёр эди,
Тушимда улоқ чопган
не озодларни кўрдим.
Хонликлар,
Амирликлар олдирганда ошини,
Бўрилар талаганда аждодларим лошини,
Ўзбекистон, она юрт,
зор кутди Юртбошини,
Юртбошн эрк деганда
не Фарҳодларни кўрдим,
Карвон йўлга чиққанда
итлар ҳуриши не гап,
Қўмсаб ўтган кунларни,
Кўз ёш қуриши не гап,
Дарё тошиб турганда
хаснинг қуриши не гап,
Оғзи бирлик йўқ жойда
не барбодларни кўрдим,
Юртбошига садоқат
Юртга садоқат демак,
Ўзбекистонга керак,
букилмаган қад демак,
Букилмаган қадларда
не ободларни кўрдим.
Не бахтки, бағри бутун
зўр зурёдларни кўрдим,
Ўзбекистон омон бўл,
сас бериб турса башар,
Амир Темур бор деган,
барҳаётларни кўрдим.

ЎТГАН КУНЛАР ШАРҲИ

Раҳмат билан чиқди бизнинг тилимиз,
Қадамлар ўлчовли.
Сўзлар эговли,
Қон билан йўғрилган эди йўлимиз,
Эркка интилмоқлик,
Яшаш гаровли.
Шу қадар бахтиёр эдик, шу қадар.
Қизил бўйинбоғни
Бўйинга боғлаб,
Сиртмоқ солганини Лениндай падар,
Сезмайин,
Юрардик кулиб, ўйноқлаб.
Ўринбосар бўлдик кейин фирқага,
Ҳар ким,
Ҳар қадамда тайёр, лаббайгўй.
Қарамайин ўнгга,
Сўлга, орқага,
Фирқага ўтган кун қилиб бирдан тўй.
Бариси илиниқдан иборат эди,
Бахтли куним дердик,
Барибир уни.
Билмасдик,
Ҳар юриш бир ғорат эди,
Тутиб борар эди боболар хуни,
Кремль бонг урса, ифтихор этсак,
Онгда гуллар эди,
Шўрчак ажириқ.
Эҳ-ҳе...
Нимасини айтай, не битсак,
Қаламимиз бўйни эди занжирлик...
Раҳмат,
Ташаккурдан қуриб иморат,
Кавшаб келавердик,
Бахт берган нонни.
Юракда қўрқувдан қолган асорат,
Танитмайин келди Ўзбекистонни.
Ўзбекман демоқлик оғирдан-оғир,
Айтсак,
Қовурғамиз кетарди синиб.
Ўксикликнинг чеки борми деб охир,
Қуёшга боқардик,
Рангги рўй синиқ.
Тавба деб эслаймиз бугун барини,
Кимгадир
Бу сўзлар туюлар эриш.
Эрклик яшартирди қай бир қарини,
Қайбир юракларда бошланди қариш.
Арслонлар уйқуда ётмагай абад,
Ўзин танимоқлик
Гули урди ниш.
Дунёда ўзбекман деган сарбаланд
Қаддини кўтарди бўлиб Алпомиш.
Ҳасратлар бир куни
Эртак бўлади.
Эвара бахшига топилади нон.
"Бахтли кунларимиз"...
Эслаб кулади,
Юрагида гуллаб қадим Туркистон.

Маъруф ЖАЛИЛ

Хаёл.

К. ЎЛМАСОВ сурат-лавҳаси.

ИЛТИЖО

Мендан муножот, сендан ижобат,
Дилимга солгин сабру қаноат.

Инсоф тиларман кунда ўзимга,
Шукронам бўлсин сенга ибодат !

Исён кўтарма, жоҳил нафсим-о,
Шайтон ҳукмига қилма итоат.

Ҳалол меҳнатда топай ризқимни,
Ҳаром луқмада кўпдир залолат.

Бошимга қулфат қўшин тортса ҳам,
Довдираб қолмас имон, диёнат.

Дил уйи равшан ёрим ишқидан,
Бу ишқ майида йўқдир маломат.

Гуноҳкор қулман, ижобат айла,
Ёрлақа ўзинг, соҳиб каромат.

Кўп дучор бўлдим касофатларга,
Карам айла, ёр, бергин шарофат.

Ёруғ юз билан васлингга етай,
Маъруфинг бўлай ишқингда фақат.



Ўқувчиларнинг республика техник ижодкорлик маркази томонидан ўтказилган ташкилий-оммавий тадбирлардан бири, яъни картинг бўйича мусобақа Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлган бу беллашувда жамоа ҳисоби бўйича сурхондарёлик ўқувчилар 1, самарқандликлар 2, андижонликлар 3-ўринларни эгаллашди.

Суратларда: мусобақалардан лавҳалар.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан

ВАТАН ТУЙҒУСИНИ ДИЛГА ЖО ЭТИБ

Шоберди — Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги ҳушманзара қишлоқлардан бири. Бундаги эл ҳам қишлоқ табиатига монанд — дилохун, муаллимлари доно, ўқувчи-ёшлари эса хийла зукко. Агар шу ерлик учраган кишидан, Ватан қаердан бошланади, дея сўрасангиз, ҳеч иккиланмай қишлоқ марказидаги каттакон боғча-мактабни кўрсатиши турган гап. Бунинг ўзига хос сабаблари бор.

Ватан деган тушунча болалар онгига мана шу ерда боғча ёшидан бошлаб сингдирилади. Бу борада зиё масканида етарлича тажриба тўпланган.

Масалан, хона дид билан жиҳозланган. Унда шон-шуҳрат бурчаги, тарихий музей ҳамда мангу олов рамзи ўрин олган. Стендларда 1941-45 йиллардаги ҳамда афғон урушида қатнашган шу қишлоқлик кишиларнинг номлари зикр этилган. Ойнаванд қутиларда эса турли даврларга оид орден ва медаллар, солдат дубулғаси, жанг қурол-аслаҳалари, кийим-кечак ва ҳоказолар жойлашган. Уларни кўрган кишининг тасаввурида уруш даврининг даҳшатли манзаралари, фронт орти қийинчиликлари намоён бўлади.

Музейда уруш қаҳрамони А. Шукуровнинг ҳаёти ва фаолиятига аталган алоҳида бурчак ҳам бор. Ўқувчилар расмлар, ёзувлар билан танишганларида, қаҳрамоннинг мангуликка дахлдор қабрини зиёрат қилганларида мурғак қалбларида ватанпарварлик туйғуси, ота-боболар жасоратига содиқлик, матонат ҳисси бир қадар улғайгандек бўлади.

Синф отрядларига шу қишлоқда яшаб ўтган жангчи муаллимлар номи берилган. Ўқувчилар уюшмаси эса Аҳмаджон Шукуров номи билан юритилади. Болалар ўқишдан бўш пайтларида қаҳрамон ҳамқишлоқларининг оиласига турли юмушларни бажаришда кўмаклашадилар.

Мактабга уруш қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар тез-тез таклиф этиб турилади. Бир неча ой муқаддам ташкил этилган учрашувда етти нафар "афғончи" қатнашди. Унда собиқ жангчилар бу бемаъни урушнинг асоратлари тўғрисида гапириб бердилар.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

Ўқинг, қизиқ!

ТАБИБНИНГ ЁРДАМИ

Лондон туғруқхоналарининг бирида қизиқ воқеа бўлди. Кўп йиллардан бери бола кўрмаган 59 ёшли аёл эгизак туғди. Аёлнинг айтишича, унга табиблик қилган кишилар яхши ёрдам беришган.

Эгизак болалар онасининг исми, ёши ҳисобга олинган ҳолда, Гиннес Рекордлар китобига киритилган.

АЖОЙИБ РЕКОРД

Федор Васильевнинг биринчи хотини энг кўп туққанлар рўйхатига киритилган. Москва атрофида истиқомат қилган бу аёл 16 марта эгизак, 7 марта учтадан, 4 марта тўрттадан бола туққан. Жами 69 фарзанди бўлган. Фарзандларининг ҳаммаси 1725-1765 йиллар оралиғида туғилган.

ИСПАНИЯЛИК БАШОРАТЧИ КЎМАГИ

Элина Мартини Швейцария тоғларидан қулаган альпинист Винсент Клинкани ўлимдан қутқариб қолди. У ўй-хаёлини ўзга мамлакатга жамлаб, Клинка ётган ерни аниқ кўради. Башоратчи телефон орқали қутқарув гуруҳига ҳалокатга учраган альпинист ётган ҳудуд кўринишини тасвирлаб беради.

Тўпловчи Қ. ТЎЛЕБОЕВ.

УСТОЗ ХОТИРАСИ

Андижондаги 14-мактаб шаҳардаги энг кекса илм ўчоқларидан бири. Яқинда унинг ташкил этилганига 70 йил тўлади. Ўтган йиллар мобайнида бу ердан ўн минглаб ёшлар ҳаётга йўлланма олди. Улар орасида турли касб эгалари бор. Битирганлардан 12 киши фан доктори илмий даражасига эга. Улардан 1 киши академик, яна бири академиянинг мухбир аъзоси.

Яқинда мактаб ҳовлиси одамлар билан гавжум бўлди. Эрта тонгданоқ бу ерга 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган кишилар тўплана бошлашди. Уларнинг ҳаммаси шу мактаб қучоғида таълим олган ва ҳозир ўқиётганлар.

— Шу йилнинг баҳор ойларида мактабимизга собиқ ўқитувчимиз Санжар Эргашев номи берилди, — деб ҳикоя қилади директор Ф. Мусаев. — Бу собиқ талабаларимизни беҳад тўлқинлантириб юборди. Биринчи бўлиб Андижон медицина институтининг ўқитувчиси, тиббиёт фанлари доктори Алишер Иноқов кириб келди. У Санжар Эргашевич қўлида таълим олганлардан. Биз у билан устознинг эжойиб хислатлари ҳақида суҳбатлашдик, унинг номини абадийлаштириб, ҳайрли иш қилинганлигини тилга олдик.

Алишер ака Санжар Эргашев хотираси шарафига хайрия марафони ўтказиш тўғрисида фикр билдирди. Бу фикрни мактаб педагогик жамоаси қўллаб-қувватлади. Ҳомийлар ҳам топилди.

Мактаб ўқувчиларининг математика бўйича шаҳар олимпиадаси ҳам марафонга эш бўлди. Чунки Санжар ака математикадан дарс берарди. У 50-йиллар бошидаёқ математикани чуқур ўргатадиган махсус синфлар ташкил этганди.

Эндиликда анъанавий бўлиб қолган олимпиадада шаҳардаги деярли барча мактаб ўқувчилари иштирок этишди. Ғолибларга ҳомийлар томонидан қимматбаҳо совғалар тайёрланди. Саноат-қурилиш банкининг Бобур бўлимида очилган махсус ҳисоб рақамига 15 миллион сўм-купондан ортиқ маблағ тушди. Шундан 1 миллионини устоз фарзандлари — Улуғбек, Дилшодбек Эргашевлар тортиқ этди. "Шараф ЛТД" кичик корхонаси томонидан ҳам шунча маблағ ўтказилди. "Андижонбанк" жамоаси 2 миллион сўм-купон берди. Барча маблағ мактабнинг моддий-техника базасини янада яхшилашга сарфланади.

Марафон катта байрам тусини олди. Анъанага мувофиқ карнай-сурнай садолари янгради, ош тортилди.

Мактабда Санжар Эргашев ҳаёти ва унинг педагогик фаолиятига бағишланган махсус стенд ташкил этилди. Кейинчалик шу асосда музей ташкил этиш кўзда тутилаётир.

Байрам тантанасида Санжар Эргашев билан бирга ишлаган ўқитувчилардан И. Зокиров, Ж. Ашуров, турли йилларда ўқиган шогирдлар ўз хотиралари билан ўртоқлашдилар.

Чуст шаҳри яқинидаги Шўркент қишлоғида дунёга келган деҳқон фарзанди С. Эргашев Қўқондаги Қори-Ниёзий ташкил этган техникумда ўқитувчилик касбини эгаллади. Турли мактабларда математикадан дарс берди, шогирдларида бу фанга иштиёқ уйғотди. Айрим йиллари у дарс берган синф ўқувчиларидан тўқсон фоизи олий ва ўрта ўқув юртларига ўқишга кирганини ҳали-ҳали эслаб юришади.

Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида у солдат шинели билан минглаб километр йўлларни босиб ўтди. Ғалаба байрамини Кенигсберг шаҳрида кутиб олди.

Урушдан кейин у яна мактаб қучоғига қайтди. Ўзининг моҳир педагог ва дилкаш устоз эканлигини намойиш қилди. Унинг иш тажрибасини ўрганиш учун республиканинг узоқ яқин бурчакларидан ҳамкасблари келишарди.

1968 йилда у Бутуниттифоқ Ўқитувчилар съездига делегат қилиб сайланди. Шу йили унга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи" деган юксак унвон берилди.

Бугунги кунда Санжар Эргашев ишини шогирдлари ва издошлари давом эттиришмоқда.

А. НУРБЕКОВ.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати, жамоат ташкилотлари рус гуруҳларда ўзбек тилини ўқитиш кафедрасининг доценти Саодат Бобоевага турмуш ўртоғи **Қодир ҲОТАМОВ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, Юнусобод тумани халқ таълими бўлими ҳамда 17-мактаб педагогик жамоаси шу мактабнинг рус тили ўқитувчиси **Холида ЮСУПОВА** вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррирСаъдулла ҲАКИМ

Таҳрир ҳайъати Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул) ,Алишер КАРИМОВ, Ғафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тотлимурод ОТАМУРОДОВ,Абдусамат РАҲИМОВ, (масъул котиб) , Маҳкам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕТОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Абдунаби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари) , Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.

Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Маҳкам Раҳмонов, Асқар Шокиров.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.—857. 83394 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 21.10. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6